Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● 15 март 1969 йил, шанба ● № 63 (14.226). ● Баҳоси 2 тийин.

ЛЕНИН ЛЕКТОРИЙСИ

14 мартда Тошкентда республика пойтахти партия ва совет активи раҳбар ходимлари учун Ленин лекторийси очилди.

Бир йилга мўлжалланган лекторийнинг иши Ленининг ғоявий меросини кенг пропаганда қилишни кўзда тутади. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов пролетар интернационализмининг ленинча принциплари тўғрисида биринчи лекцияни ўқиди. (ЎзТАГ).

ПАРТИЯ ХОДИМЛАРИ ЎҚУВИ

14 мартда Тошкентда партия, совет кадрлари ва журналист кадрларни қайтадан тайёрлаш республика курсларини тамомлаб чиқиш маросими бўлди. Ўзбекистон, Тожикистон ва Туркманистон Компартиялари Марказий ва область комитетлари қишлоқ хўжалик бўлимлари ва ташкилий-партиявий иш бўлимлари масъул ходимларининг катта бир группаси, шунингдек республика ва область газеталари редакторларининг ўринбосарлари ҳамда қишлоқ хўжалик бўлимларининг мудирлари ўқишни тугалладилар.

Якуловчи машғулотда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. Г. Ломоносов нутқ сўзлади. (ЎзТАГ).

ЛЕНИН НОМИНИ УЛУҒЛАЙМИЗ

АНДИЖОН ОБЛАСТЬ ИЗБОСКАН РАЙОНИДАГИ ЛЕНИН НОМЛИ КОЛХОЗ АЪЗОЛАРИНИНГ ХАТИ

Яна 13 ойдан сўнг улуғ доҳиймиз Владимир Ильич Ленининг табаррук 100 йиллигини муборакбод этамиз. Ер юзида биринчи бўлиб янги ижтимоий тузум — социализм қурган ва коммунизм сари комиллашонч билан бораётган улуғ советлар диёрининг кексаю-ёш граждани инсон бахт-саодатининг эшигини очиб берган, мазлумлар йўлини чароғон этган Улуғ Октябрь ижодчиси В. И. Ленин юбилейини меҳнатда катта зафарлар билан кутиб олмоқда.

Шу кутлуғ айём арафасида халқимиз ўзининг эски удумига кўра табаррук кунга арзигулик тўёна тайёрлар экан, бу ишда биз ҳам ўз ҳиссамизни қўшишни муқаддас бурчимиз деб биламиз.

В. И. Ленин асрлар давомида зулм-офатлар гирдобида алам, ҳасрат, надоматлар чеккан, чит ва кетмонни четдан сотиб олган мамлакатни тараққиёт йўлига олиб чиқишнинг бирдан-бир воситаси мамлакатни индустриал ва қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш деб биларди. Доҳий Россия губерняларида ташкил топган дастлабки коммуналарни янги жамиятнинг истиқбол куртаклари деб қанчалик қувонган эди. У меҳнаткашларнинг бу кўнгилли уюшмаси оқибат-натижада янги ижтимоий тузумнинг ғалаба қилишида зўр омил бўлади деб башорат қилган эди. Доҳий мамлакатда 100 минг трактор бўлишини орзу қилганида, миллион-миллион меҳнаткаш деҳқонларни ҳолдан тойдирган машъқатли меҳнатни, улар елкасидан босиб ётган оғир юкни улоқтириб ташлашни, бўлғ рнинг ҳаммасини машиналар устига ортишни кўзда тутган эди. Бусиз даққи-юнусдан қолган, тилка-пораси чиққан эски ишлаб чиқариш усулларини йўқотиш мумкин эмаслигини, бусиз деҳқонлар ҳонадонини чароғон қилиш, унинг истиқболини кенг ва ёруғ йўлга олиб чиқиб бўлмаслигини билар эди. Мана йиллар, ўн йиллар ўтди. Ленин орзу қилган, Ленин чизган, Ленин васият этган йўл-йўриклари ннинг ҳаммаси рўёбга чиқди ва чиқмоқда. Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигига, шу жумладан, севикли Ўзбекистонимиз қишлоқ хўжалигига бир назар ташланг-а! Бир замонлар ёғоч омоч қулоғини тутган деҳқон эндиликда қудратли машиналар жиловкори бўлиб қолди.

Қаранг-а! Меҳнатда, ҳаётда, ижодда, кишилар онгида, турмушда юз берган ўзгаришлар ўтмиш билан ҳозиргисига сира солиштириб бўлмайди. Эндиликда қишлоқларимиз қиёфаси бутунлай ўзгариб кетди, одамлар ҳам ўзгариб кетди. Эмрад далаларимизнинг файзи бошқача бўлиб кетди. Деҳқончилик маданияти бекиёс ўсди. Фан билан тажриба бир-бирига пайванд бўлиб кетди. Электрдан тортиб, газгача фақат деҳқоннинг турмуши учунгина эмас, шу билан бирга қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига ҳам кенг хизмат қилдирилмоқда. Мана шулар туфайли далалар унумдорлиги, экинлар маҳсулдорлиги кўп даражада ошди ва ошмоқда. Бугунги кунда деҳқон тирикчилик ташвишини тортмайди, унинг егани олдида, емагани кетида. У Ленин айтганидек онгли меҳнат қилиб, ўз социалистик жамиятининг бойликларини кўпайтирмоқда. Биз бу сўзларни аввало ўз хўжалигимиз тараққиётига қиёс қилиб айтмоқдамиз.

Қишлоғимиз илгари «Борса келмас» номи билан юритиларди. Шунинг ўзи унинг аянчли, ночор аҳволини, борингки, ҳаётдан узилган чекка бир жойлигини англатиб турарди. Деҳқоннинг турмуши ночор, ердан оладиган маҳсулоти эса тирикчиликка ҳам мутлақо етмасди. Бир таноб ердан 5-6 пуд пахта олинарди. Дарё бўйида яшардигу, сувга ташна эдик. Қишлоғимизнинг ўтмишини эслашдан муддаомиз шуки, бугунги маъмурчилик, тўқчилик, ободончиликнинг қадрига етайлик деймиз. Озодлик, бахт-саодат йўлини очиб берган энг улуғ мўътабар зот — Ленининг буюк хизматларини эзъозлайлик деймиз.

Халқимиз доҳий номини ҳаммавақт, ҳамма ерда эслаб, энг азиз, муқаддас жойларни, колхоз ва совхозларни, корхона ва муассасаларни унинг номи билан атайди. Бизнинг колхозимиз ҳам Ленин номи билан аталади. Биз бу билан беҳад фахрланамиз, қувонамиз, мамнун бўламиз. Бу муборак номни муқаддас тутиш — колхозимизни ҳар тарафлама намунали хўжаликка айлантириш зарурлигини яхши англаганимиз ҳолда фидокорона меҳнат қилиб, уни тараққий эттириш йўлида йил сайин янги муваффақиятларга эришмоқдамиз.

Қишлоғимиз бамисоли нурга чўмган шаҳарчага ўхшайди. Деҳқонларнинг шинам ҳонадонлари бирам чиройли безатилганки, уларда радио, телевизорлар бор. Халқ водопроводдан сув ичади. Болаларимиз илгариги эгри-бугри, лой-тупроқ кўчаларидан эмас, кенг, текис, асфальт йўлдардан ўз чароғон мактабларига, боғчаларига борадилар. Клуб залларида кишиларга кинофильмлар кўрсатилади, спорт майдонларида ёшлар мусобақалари ўтказилади.

Ота-боболаримиз ўтмишда ўқийолмай, догда қолган эдилар. Эндиликда барчага билим даргоҳларининг эшиги кенг очик. Қишлоғимиздаги икки мактабда колхозчиларнинг 1,5 мингдан зиёд ўғил ва қизлари таълим олмоқда. Ўтмишда қишлоғимизга бирор мактуб келиб қолгудек бўлса, атрофдаги узоқ-яқин қишлоқларни отда ва пиёда кезиб саводли кишини чақиришарди. Хозир 100 га яқин олий маълумотли зиёлиларимиз бор. 40 га яқин йигит ва қиз республика ва мамлакатимиздаги олий ва махсус ўқув юртларида таълим олмоқда. 4 киши Ленинград олий ўқув юртларининг талабаси.

Колхозимизнинг ҳамма аъзолари кутубхонага ёзилган. 2,5 минг колхозчи газетхон, хўжалигимиз бўйича жами 4000 нусха газета ва журнал олинади.

Қишлоғимизда қурилиш кенг авж олди. Кейинги икки йил ичидагина 420 хонадон ҳовли тўйлари ўтказди. Одамларнинг маишати, кайфияти яхши, руҳи тетик. Шаҳардагидек ҳамма нарса муҳайё. Радиоузел, алоқа бўлими, телефон станцияси, қўшаҚўша чойхона, ошхона, новвойхона, устахоналар, медицина пунктлари, магазинлар ишлаб турибди.

Энди хўжаликнинг ҳамма гармоқларини, пахтачиликни ривожлантириш, ҳосилдорликни ошириш, маҳсулот таннархини камайтириш ва сифатини яхшилашга келсак, Ленин ижод этган коллективлаштириш сиёсати, совет деҳқонларининг ижодий ҳаётчилик меҳнати катта самаралар бераётганлигини кўрамиз. Ўтган йили колхозимиз 1034 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 30 центнердан хирмон кўтарди. Хўжаликнинг бошқа тармоқлари сердаромад соҳага айланмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг октябрь Пленуми қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш кучларини янада ривожлантириш, қишлоқ меҳнаткашларининг моддий фаровонлигини тағин ҳам яхшилаш, қишлоқ маданиятини ўстириш йўлларини белгилаб берди. Партиямиз доҳий васиятлари асосида ишлаб чиққан янги тадбирларнинг амалга оширилиши борасида қишлоқ аҳолиси меҳнати тобора кўпроқ индустриал меҳнатнинг бир турига айланаборади. Биз ана шу йўлдан бориб, коммунистик қурилишнинг энг муҳим вазифаларидан бирини — шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги муҳим тафовутларни йўқота боравермиз. Бу борада партия ва ҳукумат қишлоқ меҳнаткашларига катта имтиёзлар бермоқдалар. Шу йилдан бошлаб пахтанинг харид нархи 15 процент оширилганлиги пахтакор хўжаликлар экономикасини бекиёс оширишда, колхозчиларнинг моддий фаровонлигини яхшилашда жуда муҳим омилдир.

Бу ғамхўрликка жавобан ички резерв ва имкониятлардан кенг фойдаланиб, ҳосилдорликни 32 центнерга кўтарамиз. Илғор тажриба, фан ютуқларидан кенг фойдаланиб, арзон ва сифатли пахта етиштирамиз. Ҳамма ишни ҳисоб-китоб, қатъий иқтисод билан олиб борамиз. Бу билан юксак меҳнат унумдорлигига эришамиз. Бунинг учун машина ва механизмлардан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида кенг фойдаланамиз. Механизатор кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор берамиз. Қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини ҳам кенг ривожлантираверамиз. Бу йил 274 тонна дон, 53,5 тонна гўшт, 156 тонна сут, 22 центнер жун, 23 минг дона тухум, 38 тонна сабзавот, 43 тонна узум ва мева, 65 тонна полиз экинлари маҳсулотлари етиштиришга сўз бердик.

Улуғ Ленининг: «Сиёсий шов-шувлар озроқ бўлсин... Турмушга яқинроқ турилсин. Ишчи ва деҳқонлар оммаси ўзининг кундалик ишида **амалда янгилик вужудга** келтираётганлигига кўпроқ эътибор берилсин. Бу янгиликнинг қанчалик **коммунистик** рухда бўлаётганлиги текшириб борилсин», — деган васиятларига тўла амал қиламиз ва ҳаётга татбиқ этамиз.

Биз шунчаки шовқин-сурон кўтармай, эришилган муваффақиятларни мустаҳкамлаймиз, янги ютуқларни қўлга киритиш учун бутун кучимизни ишга соламиз.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети қишлоқ қурилишига алоҳида эътибор бермоқда. Биз қишлоқларимизни янада обод, янада чароғон қилиш учун қўлимиздан келган барча чораларни кўрамиз. Қишлоғимизни тобора гуллатиш учун уни беш йилга мўлжаллаб тузилган бош план асосида қайта қурмоқдамиз. Бу режага кўра, ҳамма хонадонлар янги уйларда истиқомат қиладиган бўлади. Далада ишлаётганлар учун махсус дам олиш уйи қурилади. Коммунал хўжалик хизмати, касалхоналар, ҳаммомлар, болалар боғча ва яслиқлари, дала шийпонлари, водопровод, янги равон йўллар қурамиз. Баднй ҳаваскорлар хизматини янада яхшиламиз.

Хусусан, беш йилликнинг охиригача 25 километр йўлга асфальт ётқизамиз. 600 ўринли ўрта мактаб, учта бригадада марказлаштирилган болалар яслиси, 7 та типовой дала шийпони қуриб фойдаланишга топширамиз. Барча дала шийпонларини телефонлаштирамиз. 6 километр ариққа бетондан «тўн» кийдирамиз. 30 ўринли касалхона қурамиз.

Шу билан бирга коммунизм қураётган янги авлодни Лениндек камтар, олижаноб, меҳнатсевар, Ленин каби принципиал қилиб тарбиялаймиз. Партия ташкилоти барча коммунистларнинг диққат-эътиборини қатъий сўзимизнинг устидан чиқишга қаратади.

Биз мактубимизга якун ясар эканмиз, КПСС Марказий Комитети Чақириқларида баён қилинган шу муқаддас сўзларни қалбимизда, ҳаётчилик ишларимизда доим сақлаймиз:

«Бундан буён ҳам ленинчасига ишлаб ва яшаб, Владимир Ильичга муҳташам ҳайкал қурамиз — унинг абадий барҳаёт ғояларини ўзида муносиб равишда ифодалайдиган бу улуғ ҳайкал коммунизм биноси бўлади. Сафларимизни тағин ҳам маҳкамроқ жипслаштирамиз! Тағин ҳам саботли ва фидокор, интизомли ва уюшқоқ бўлайлик. Коммунистик қурилишнинг ҳамма соҳаларида тағин ҳам кўпроқ ижодий ташаббус кўрсатайлик! Коммунизм учун курашнинг революцион марксча-ленинча байроғини баланд кўтарайлик!»

Абдулла ИСРОИЛОВ — колхоз раиси, Ленин ордени пахтакор; Нуъмон МАМАЖОНОВ — колхоз партия комитетининг секретари; Тожибой ХУДОЙБЕРДИЕВ — бригада бошлиғи; Қувватбек ҒОЗИЕВ — Ленин ордени сувчи; Мўмин ТОЖИБОЕВ — механизатор.

Нурилла Эшонқулов Тошкент экскаватор ремонти заводида экскаваторлар ремонти бўйича слесарь бўлиб ишлаб келмоқда. Бу қалби қайноқ йигит смена нормасини муттасил 130-140 процент уддалаб, ўз ҳамкасбларига ибрат бўлмоқда. Суратда: слесарь Н. Эшонқулов.

И. Глауберзон фотоси.

ХАЛҚ НАФРАТИ

СССР ЧЕГАРАЛАРИ ДАХЛСИЗДИР!

БУХОРО область меҳнаткашлари Хитой урушқоқларининг Совет чегарасига қилган қуролли ҳужумидан даргазаб бўлдилар.

«Узсельхозтехника» Вобкент район бирлашмасининг слесари Ш. Аҳмедов митингда қуйидагиларни айтди:

— Чегарачиларимизнинг Даманский оролида тўкилган қони биздан хушёрликни янада оширишни талаб қилади. Совет чегарачиларига босқинчиларча қилинган ҳужум учун маочилар тўғри тамомила айбдидир. Бу тўда қилган жинояти учун жавоб бериши керак.

«Амубухараканалстрой» Зиқурилиш-монтаж бошқармасида ўтказилган митингда экскаваторчи, социалистик Меҳнат Қаҳрамони В. Н. Журавлев сўзга чиқди.

— Қаердай қилинган ирғоғарлик, ва Совет чегарачиларига қарши хоинларча қилинган ҳаракат, — деди у, — Хитой халқи орасида шовинизм ва милитаристик васвасанинг ҳали ҳам йўқ эмаслигини, Пекиннинг ҳозирги раҳбарларини империализм ботқоғига ташлади. Бошқа мурталлар шаҳмандаш-шармисор бўлгани каби маочилар ҳам, ҳудди шундай аҳволга тушиб қолгуларидир, деб ишонч билан айтиш мумкин.

Меҳнаткашлар митингларда қабул қилинган резолюцияларда Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг бутун дунёда тинчликни сақлашга қаратилган сиёсатини яқдиллик билан маъқуллашдилар. (ЎзТАГ).

БУЗҒУНЧИЛАРГА ЛАЪНАТ!

Тошкент қишлоқ хўжалиги институти студентлари, ўқитувчилари, ишчи ва хизматчиларининг митинги ана шундай шиор остида ўтди. Тошкентнинг ўнлаб бошқа ташкилотлари сингари бу олий ўқув юртининг катта коллективи ҳам Ватанимизнинг ҳаҳлсиз чегарасига ирғоғарларча бостириб кирган Хитой урушқоқларига чексиз лаънат ўқидилар.

Митингда сўзга чиқиш полковник А. Орлов, доцент А. Қулдаев, студентлардан И. Нурадиев, Х. Холиков, К. Йўлдошевлар Хитой ирғоғарларининг босқинчилик ҳаракатларини ўтакетган, ёвузлик жиноятдан бошқа нарса эмас деб қоралардилар. Улар институт коллективини ўқиш ва фандаги ютуқлари билан Ватанимиз қудратини янада мустаҳкамлашга, революцион хушёрликни янада оширишга чақирдилар.

Митинг қатнашчилари нафрат ўқи овозларини бутун совет халқининг бугунги маочиларга қарши тутган ўқлар ёғдирсин деб, ишонч билан айтиш мумкин.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ 1969 ЙИЛГИ МАРРАЛАРИ:

ПАХТА — 356 минг тонна;

ДОН — 180 минг тонна, шу жумладан:

ШОЛИ — 39 минг тонна;

САБЗАВОТ — 240 минг тонна;

КАРТОШКА — 65 минг тонна;

ПОЛИЗ ЭКИНЛАРИ МАҲСУЛОТИ — 80 минг тонна;

МЕВА — 40 минг тонна;

УЗУМ — 47 минг тонна;

ГЎШТ — (тирик вазнда) 23 минг тонна;

СУТ — 72 минг тонна;

ЖУН — 1200 тонна;

ТУХУМ — 76 миллион дона;

ПИЛЛА — 1330 тонна;

КАНОП ПОЯСИ — 282 минг тонна;

КАНОП УРУҒИ — 1200 тонна.

ДАЛА ИШЛАРИНИ КУЧАЙТИРАЙЛИК!

Ўзбекистон ССР областларида баҳорги экиш учун ер ҳайдашнинг бориши тўғрисида 1969 йил 14 мартга бўлган

МАЪЛУМОТ

(минг гектар ҳисобида)

(Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — жами ҳайдалиши лозим бўлган ер; учинчи устун — ҳайдалган ер, тўртинчи устун — бажарилиш процента).

Бухоро	168,9	146,4	86,7
Тошкент	207,7	172,2	83,1
Сирдарё	322,3	260,1	80,7
Қашқадарё	148,8	104,0	70,0
Сурхондарё	153,0	101,3	66,0
Наманган	151,0	89,6	59,5
Самарқанд	234,0	117,2	50,0
Андижон	204,6	92,0	45,0
Фарғона	222,9	34,5	15,5
ҚҚАССР	164,8	25,7	15,5
Хоразм	131,0	—	—
Республика бўйича:	2109,0	1143,0	54,2

◆

Ўзбекистон ССР областларида шўр ювишнинг бориши ҳақида 1969 йил 14 мартга бўлган

МАЪЛУМОТ

(минг гектар ҳисобида)

(Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — план бўйича шўри ювилиши зарур бўлган майдон; учинчи устун — шўри ювилган майдон; тўртинчи устун — бир кунда шўри ювилган майдон; бешинчи устун — планнинг бажарилиш процента)

Сирдарё	150	59,3	—	39,5
Наманган	56	13,9	0,4	24,8
Қашқадарё	3	0,6	—	20
Фарғона	215	19,8	0,6	9,2
Хоразм	462	38,9	4	8,4
Бухоро	220	16,7	3,6	7,6
ҚҚ АССР	400	28,7	1	7,2
Самарқанд	12	0,4	0,4	3,3
Андижон	53	1	—	1,8
Тошкент	7	—	—	—
Сурхондарё	23	—	—	—
Республика бўйича:	1601	179,3	10	11,3

ҚАШҚАДАРЁ ОБЛАСТЬ ДЕҲҚОНЛАРИНИНГ КЕНГАШИ

ҚАРШИ, 14 март. (ЎзТАГ). Қашқадарё далалари ва фермаларининг область кенгаши бўлиб ўтди. Қашқадарё область партия комитетининг биринчи секретари Р. Ғоипов ўтган қишлоқ хўжалик йилининг якунлари ва беш йиллик тўртинчи йилининг вазифалари тўғрисида доклад қилди.

Кенгаш қатнашчилари пахта, дон, гўшт, сут ва деҳқончилик ҳамда чорвачиликнинг бошқа маҳсулотларини етиштиришни кўпайтириш юзасидан юксак социалистик мажбуриятлар олишди.

МАЖБУРИЯТГА ЯРАША

Самарқанд локомотив депоси коллективи февраль ойи топшириғини 105,3 процент бажарди. Пассажир ва юк хўжалиги юкларни ташиш икки ойлик топшириғи ўн кун илгари адо этилди. Тепловозчилар кейинги икки ойда 23 та оғир юкли поездларни манзилларга барвақт етказиб беришни таъминладилар. 1700 килограммга яқин ёнилғи тежалди. Машинистлардан Рахмат Тўрақулов, Евгений Лесних, Василий Ситников, Сабо Тўрақулов ўртоқлар ҳар рейсда 50-60 килограммдан ёнилғи иқтисод қилишга муваффақ бўлмоқдалар.

Мажбуриятга яраша меҳнат қилиш натижасида корхонанинг бошқа иқтисодий техника кўрсаткичлари ҳам яхшиланиб борляпти. Тепловозчилар уч ойлик планни ҳам муддатидан илгари бажариш учун мусобақани авж олдираётирлар. Андижон вагон депосининг ремонтчилари ҳам олинган мажбуриятларнинг шараф билан бажарилишини таъминлаш учун ғайрат кўрсатиб ишламоқдалар.

А. ОЧИЛОВ,
К. АБДУЛАЗИЗОВ.

ДЎСТЛИК ВАЗИЯТИДА

ЧЕХОСЛОВАКИЯ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИНИНГ РАИСИ ЎРТОҚ ОЛДРЖИХ ЧЕРНИКНИНГ МОСКВАДА БЎЛИШИ

Чехословакия Компартияси Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, Чехословакия Социалистик Республикаси Ҳукуматининг Раиси Ўртоқ Олдржих Черник 1969 йил 13 мартда расмий визит билан Москвада бўлди.

Ўртоқ О. Черникни КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежнев қабул қилиб, у билан дўстона, самимий суҳбатлашди.

Ўртоқ О. Черник СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин, СССР Госпланининг Раиси Н. К. Байбаков, СССР госплани коллегиясининг аъзоси Н. Н. Иноземцев билан музокаралар олиб борди. Чехословакия томонидан музокараларда ЧССР ҳукумати Раисининг ўринбосари В. Валеш, ЧССР планлаштириш министри Ф. Власак, ЧССР планлаштириш министрининг ўринбосари З. Шедевий, ЧССРнинг Совет Иттифоқидаги элчиси В. Коушник қатнашдилар.

Музокаралар вақтида СССР билан ЧССР ўртасидаги узаро манфаатли иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш ва яхшилаш масалалари батафсил муҳокама қилинди. Ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, кооперация ва ихтисослаштиришни кенгайтириш, шунингдек илмий техника ҳамкорлигини ривожлантиришга доир биргаликда ўтказиладиган тадбирларга катта эътибор берилди.

Томонлар ҳар икки тарафнинг яқин беш йилдиги (1971—1975 йиллар) халқ хўжалик планларини координациялашнинг асосий йўналишларини белгилаб олдилар. Шу билан бирга Совет Иттифоқида энг муҳим ҳом ашёлари, шу жумладан, нефть ва нефть маҳсулотларини, кўмир, қора металлар прокати, нис, алюминий ва бошқа рангли металларни, ёғоч, целлюлоза, пахта, дон ва бошқа моллари, шунингдек Чехословакия халқ хўжалигининг энг муҳим тармоқларини ҳозирги замон техника даражаси талабларини ҳисобга олган ҳолда модернизациялаш ва реконструкция қилиш учун зарур бўлган совет машиналари ва ускуналарини етказиб бериш соҳасида социалистик Чехословакиянинг бундан бўёғи истиёжлари қараб чиқилди.

Айни вақтда Совет Иттифоқининг Чехословакияга 1970 йилда етказиб берадиган молларининг энг муҳим турларини кўпайтириш кўзда тутилди, шунингдек янги йилларда Чехословакия маҳсулоти ва ускуналарини Совет Иттифоқига етказиб бериш ҳажмлари аниқланди.

Совет Иттифоқи билан Чехословакия ўртасидаги икки томонлама муносабатларни ривожлантиришнинг бошқа масалалари ҳам батафсил қараб чиқилди. Томонлар СССР билан ЧССР ўртасидаги сиёсий, идеология, маданият соҳаларидаги ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни қардошларча дўстлик руҳида, марксизм-ленинизм ва социалистик интернационализм принциплари асосида бундан бўён ҳам ривожлантириш ва мустаҳкамлаб боришга қарор бергаликларини изҳор қилдилар.

Томонлар Узларининг Варшава шартномасига ва шу шартномада қатнашувчи мамлакатлар ўз зиммаларига олган мажбуриятларга собиқ экаинликларини тасдиқладилар.

Актуал халқаро проблемалар юзасидан фикрлашиб олиш вақтида томонлар, аввало, Европа хавфсизлигини таъминлаш вазифаларига эътибор бердилар. Улар Европада тинчликни сақлаб қолиш ва ғарбий Германиядаги милитарист кучларнинг реваншчилик интилишларига зарба беришга қаратилган ва социалистик ҳамдўстликдаги барча мамлакатлар ўртасида келишиб олинган йўлни бундан бўён ҳам давом эттиришга қатъий азми қарор қилганликларини таъкидладилар.

Ҳар иккала томон Вьетнам Демократик Республикаси ҳукумати билан Жанубий Вьетнам Миллий озодлик фронтининг таклифлари асосида Вьетнам можаросининг тезроқ бартараф қилинишн, шунингдек Яқин Шарқ районидаги Исроил агрессияси оқибатларини тугатиш-халқаро вазиятни юмшатиш ва барча халқлар ўртасидаги тинчликни мустаҳкамлаш соҳасидаги самарали чоралар бўлур эди, деб ҳисоблайдилар.

Музокаралар вақтида Узоқ Шарқда вужудга келаётган аҳвол муҳокама қилинди. Хитой сафбузарларининг социализм кучларига катта зарар етказган ҳолда қилган ирғоғарлик ҳаракатларини иккала томон қатъиян қоралайди.

Совет томони билан Чехословакия томони ўртасидаги музокаралар самимият, дўстона ва тўла ҳамжиҳатлик руҳида ўтди. (ТАСС).



Марғилон шойи комбинатида янги қудратли машина ўрнатилди. Бу машина ипак газламаларини янада кўпроқ ишлаб чиқаришни таъминлайди. Суратда: доҳий В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги шарафига меҳнат вахтасида туриб тер тўкаётган мастер ёрдамчиси Раҳим Мадаминов янги машинани бошқаряпти.

В. Сироткин фотоси.

В. И. Ленин туғилганига 100 йил тўлиши олдидан

ДОҲИЙГА МЕҲР

Архив ҳужжатлари сўзлайди

1922 йил.

Ёш Совет давлати учун оғир пайтлар эди. Доҳий В. И. Ленининг доно кўрсатмаларига асосан Коммунистик партиямиз мамлакат хўжалигини қайта тиклаш вазифасини муваффақиятли ҳал эта бошлади. Бу даврда турли хил тузумдаги мамлакатлар билан иқтисодий алоқалар ўрнатиш ҳам жиддий аҳамиятга эга эди. Чунки социализм қурилишини равон изга солиб юбориш учун энг аввало тинчлик, тинч-тотув яшаш жуда ҳам зарур эди.

В. И. Ленин ўша пайтда «Тинчликни сақлаш ва бутун кучни хўжаликни тиклашга сарфлаш учун тўла имкониятга эга бўлиш биз учун ҳар нарсадан ҳам қимматлидир» деган эди. У совет халқининг бутун жаҳон аҳли билан дўстликда, тотувликда яшашдек буюк истаги борлигини ҳамма вақт таъкидлаб ўтар экан, совет давлатининг тинчликсевар сиёсатини доимо шарҳлаб берар, ҳамма элатлар ҳам барқарор тинчлик бўлишидан манфаатдор эканлигини уқтирар эди.

Маълумки, 1921 йилнинг кузида Совет ҳукумати капиталистик мамлакатлар билан иқтисодий муносабатлар ўрнатиш йўлида зарур шарт-шароитларни вужудга келтириш учун чор ҳукуматининг урушгача бўлган баъзи қарзларини маълум шартлар асосида тан олишга тайёр эканлигини эълон қилади ва халқаро конференция чақирилишини, бу конференцияда чет давлатларнинг Россияга бўлган даъволари ва Совет ҳукуматининг шартларини муҳокама қилиш ҳамда Совет Россияси билан барча мамлакатлар ўртасида мустаҳкам тинчлик ўрнатишни таклиф этади.

Совет ҳокимиятига қарши муваффақиятсиз интервенциядан сўнг катта иқтисодий қийинчиликларга дуч келган ва бозорларнинг кескин камайиб кетишидан қўрққан Антанта давлатлари Генуя (Италия) шаҳрида Европа мамлакатларининг иқтисодий ва молия конференциясини чақиришга қарор қилдилар. Бу конференцияда Совет Россиясининг иштирок этишига розилик берилади. Империалистик давлатлар конференцияда Совет ҳукуматини қўрқитиш йўли билан уни иқтисодий ва сиёсий майдонда қийин аҳволга солиб қўйишни, оқибат натижада Россияда капитализмнинг реставрация қилинишини амалга оширишни мўлжаллаган эдилар.

Совет ҳукумати шундай шароитда ҳам экономикани кўтариш учун капиталистик мамлакатлар билан иқтисодий алоқалар ўрнатишга тарафдор бўлиб чиқади. Генуя конференцияси давомида Совет делегацияси конференция қатнашчиларига батамом қуролсизланиш масаласини таклиф этади. Бу дадил қадам капиталистик мамлакатларнинг ёвуз кирдикорларини фош этувчи дастлабки кучли зарба бўлади.

Конференция 1922 йилнинг апрель—май ойларида ўтади. Совет делегациясига В. И. Ленин бошлиқ қилиб тайинланган эди. Лекин ишчилар бу хабарни эшитишлари биланоқ, буюк доҳий ҳаёти ҳақида ташвишлана бошлайдилар. Улар В. И. Ленининг чет элга боришига қатъиян норозилик билдирадилар. Шундан кейин Генуя делегациясига Георгий Васильевич Чичерин бошлиқ бўлиб кетади.

Генуя конференцияси очилиш олдидан, 1922 йилнинг 6 мартида В. И. Ленин металлчилар съездида нутқ сўзлайди. У халқаро аҳволга баҳо беркан, Генуя конференциясининг қандай бориши ва қандай якунлашишини олдиндан айтиб беради. «Мен Генуяда Ллойд-Жорж билан ана шу тамалар устида шахсан гаплашмоқчиман ва унга: бўлмағур нарсалар билан бизни қўрқитиш керак эмас, чунки бу билан фақат қўрқитмоқчи бўлганлар ўз обрўларини туширишдан қўрадилар, деб айтмоқчиман. Бир неча ойдан бери сиёсий ишларда бевосита қатнашишимга имкон бермаётган ва топширилган совет вазифасини адо этишимга бутунлай йўл қўймаётган касалим ўша мақсадимни амалга оширишга халақит бермайди, деб ўйлайман. Менинг шундай деб умид қилишимга асосим борки, бир неча ҳафтадан кейин мен бевосита ўз ишимни бажаришга киришаман».

Генуя конференцияси ўз олдига қўйилган қатор вазифаларни ҳал этолмаганлиги бизга тарихдан маълум. Лекин шунга қарамай Совет дипломатияси бу халқаро йиғинда улкан ғалабани қўлга киритади. У бутун дунё олдида Совет давлатининг тинчликсевар сиёсатини намойиш қилади ва халқаро ҳаётда ёш Совет республикасининг обрўйини тағин ҳам оширади.

... Энди яна боягги мавзуга қайтайлик. В. И. Ленининг Генуяга бориши ҳақидаги хабар бутун мамлакат меҳнаткашлари қатори туркистонлик ишчи-деҳқонларни ҳам қаттиқ ташвишлантиради. Доҳийга бўлган чексиз меҳр-муҳаббат ҳамма ерда бошланиб кетган оммавий митинглар шаклида намоён бўла бошлайди. Бу митингларда Владимир Ильич Ленининг Генуяга бормаслиги илтимос қилинади, қарорлар чиқарилади.

1922 йилнинг 12 февралида Тошкент Эски шаҳар ишчи ва деҳқон депутатлари Советининг Туркистон Коммунистик партияси ва комсомоли аъзолари касаба союз вакиллари, ишчи коллективлари билан биргаликда ўтказилган фавқулодда пленумида ҳам бўлажак Генуя конференцияси масаласи кун тартибига қўйилади. Қабул қилинган қарорда қуйидагилар таъкидланган:

«Генуя конференциясига ўртоқ Ленининг делегация бошлиғи қилиб тайинланганн муносабати билан биз мурожаат қиламизки, Россия ва жаҳон пролетариатининг доҳийси ўртоқ Ленининг Россияда бўлиши ва очлик, турли хил касалликлар ва вайронгарчиликларга қарши курашга раҳбарлик қилиши, шунингдек хўжалик қурилишини тўғри йўлга солиб туриши зарур. Шунинг учун ҳам ўртоқ Ленин Россиядан бир кун ҳам чиқиши мумкин эмас. Бунинг устига Ғарбий Европа оқгвардиячиларига, айниқса Италия фашистларига ишонмаганимиз учун биз ўртоқ Ленин, дан Генуяга бормаслиги қатъий туриб илтимос қиламиз.

Ушбу қарор ҳақида Бутунроссия Марказий Ижроия Комитетига телеграф орқали хабар берилишини сўраймиз».

17 февралда Тошкентнинг Эски шаҳар қисмидаги Жомий масжидида салкам 15 минг кишилик митинг бўлиб ўтади. Митинг қароридаги қуйидаги сўзларга диққат қилинг:

«... барча Бутунроссия республикалари пролетариатининг ва айниқса эзилган халқларнинг доҳийси ўртоқ Ленининг ҳозирги кунда янги иқтисодий сиёсатни амалга ошириш бўйича иши жуда ҳам кўп, шунинг учун ҳам мазкур митинг ўртоқ Ленининг Генуя конференциясига боришига қатъиян қарши чиқади, митингнинг унинг ўрнига бошқа кишиларни юбориш ҳақидаги хоҳишини, яъни халқнинг хоҳишини тегишли жойга етказишни республика олий органларидан митинг аҳли илтимос қилади».

Ўша пайтда Туркистон Коммунистик партияси Марказий Комитети адресига Казалинскдан қуйидаги телеграмма ҳам келади:

«Биз Туркистон КП Казалинск шаҳар ташкилотининг коммунистлари ва партиянга кандидатлари 7 февралда бўлиб ўтган умумшаҳар мажлисида қадрдон доҳийимиз ўртоқ Ленининг Генуя конференциясида иштирок этиши масаласини муҳокама этдик. Ўртоқ Ленининг юқорида зикр қилинган конференцияга борши мутлақо мумкин эмаслиги тўғрисида қарор қабул қилдик. Устига-устан бу конференция жаҳон капиталист—йўл тўсарларининг уясида чақирилаётгани учун ва биринчидан, доҳий ҳаёти муҳофазаси масаласида ишончли кафил бўлмаганлиги ва ўртоқ Ленин бутун дунё пролетар революциясининг доҳийси сифатида жаҳонда биринчи Совет федерациясига раҳбарлик қилиб турганлиги учун, империалистик ва гражданлар урушидан қолган жароҳатлар унинг толмас назорати ва моҳирона раҳбарлигида тузатилаётгани учун ўзининг шарафли постини у бир минут ҳам тарк этиши мумкин эмас.

Умумий мажлис президиуми».

Узоқ Оролдаги партия ташкилоти эса ўзининг Туркистон Коммунистик партияси Марказий Комитетига юборган телеграммасида мана бундай ёзади:

«Туркистон Компартияси Орол ташкилотининг умумий мажлиси ўртоқ Ленининг Генуя конференциясига бормаслиги ҳақида партияли ишчилар ва партиясиз омма қабул қилган қарорларга яқдиллик билан қўшилади».

Бу ва шунга ўхшаш қиммат-ли ҳужжатлар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги Партия тарихи институти архивида сақланмоқда. Бу ҳужжатлар ўлмас Ленин ғоялари чор Россиясининг мустамлакаси бўлган Туркистон ўлкасидаги меҳнаткашлар қалбига ҳам қисқа вақт ичида қай даражада чуқур сингиб кетганлигидан далолат беради. Жаҳон пролетариатининг доҳийси Совет давлати ва Коммунистик партиямизнинг асосчиси Владимир Ильич Ленин ҳар бир меҳнаткаш учун қанчалар қадрли, буюк инсон эканлигига ёрқин мисол бу!

Туркистон меҳнаткашларининг яқдил овози ўша пайтда мамлакат овозига қўшилиб баралла янгради. Халқ бахт-саодати учун курашган, шу мақсад йўлида яшаган доҳий Ленин ўз халқининг иродасига бўйсунди. У Генуяга бормади.

Р. КАЦ,
Ш. АБДУРАЗЗОҚОВА,
Ўзбекистон КП Марказий Комитети ҳузуридаги Партия тарихи институтининг илмий ходимлари.

ХИЗМАТГА ЛОЙИҚ ҲУРМАТ

ЛАВҲА

Мирзамаҳмуд Абдураззоқов Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига сайланди... Бу ҳушхабар дилимизни қувончларга тўлдирди. Сабаби, у киши билан кечаги ёки бугунги таниш эмас, балки азалий дўст, туғишгандан ҳам ортиқ ака-укамиз. Айниқса, иккинчи жаҳон уруши фронтларида юрган азоб-уқубатларимиз, немис-фашист ғаллари устидан ғалаба қозонилган кундаги ҳиссиётларимиз, шодликларимизни сўз билан ифодалаш қийин. Ғалаба куни Қува пахта заводи майдончасида бўлган митингда бир-биримизни кучиб, буюк ғалаба билан муборакбод этганимизга ҳам салкам чорак аср бўпти.

Халқ хизматкорини табриклаш учун Хўжа Ҳасан қишлоғига йўл олдик. Ҳаммамиз жойдаги каби бу қишлоқнинг ҳам ўз ўтмиши, ҳозири ва келажаги, унинг номини шарафлаётган ажойиб кишилари бор.

Қишлоқнинг ўтмиш қиёфаси: ёзда чанг, қишда лой тор кўчалар, ёлғиз ойна йўллар. Гувала, чавра, чеғаллари беўхшов девордар. Лой, қамиш томли пастқам уйлар. Қора чироқ, бўтаноқ сув.

Хўжаликнинг аҳволи: экономика заиф, ер унумсиз. Суғориш тармоқлари бузиқ. Чигит экилади, 10-11 центнер пахта олинади. Бошоқли экиндар ҳосили иссиқ овқатга кетади.

Бунга таажжубланмаса ҳам бўлади. Уруш эндигина тамом бўлиб, халқ ҳали нафасини ростлаб олганича йўқ эди.

Одамларнинг руҳий ҳолати: ҳорғин, аммо кайфияти чоғ. Партия амрини ижро этишга, қийинчиликларни енгишга шай. Ҳамма «қиринга чидадик, қирқ бирига ҳам чидаймиз, уруш жароҳатини тузатамиз хўжаликни изига тушираміз» дейпти. Ўша иродали, сабр бардошли халқка ишнинг кўзини биладиган раҳбиркор раҳбар керак эди. Шундай қислат ва ғазилатлар мужассамлашган Мирзамаҳмуд Абдураззоқов 1946 йилнинг бошида Карл Маркс номли колхозга раис қилиб сайланди.

— Сиз жанг кўрган йигитсиз, коммунистсиз, — дейишди райкомда янги раисга, — хўжаликни кўтариш, халқ турмушини яхшилашда ҳам қомандирлик қиласиз, деган умрдамиз...

Мана, йигирма уч йилдирки, Мирзамаҳмуд ака партия ташкилоти қўмагида Хўжа Ҳасан қишлоғи аҳолисига бошчи, катталарга меҳрибон ука, кичикларга ғамхўр ака, тенгқурларига қадрдон дўст, ўртоқ биродар. Энди эса тўла маънода халқ хизматкори — республика парламентининг аъзоси.

Колхозга келдик. Мирзамаҳмуд акани депутатликка сайланиши билан самимий кўрдик, халққа хизмат қилишдек олижаноб ишда муваффақиятлар тиладик. Дўстимизнинг энлик пешанасига ипак қатимлари оралабди. Қалин сарғиш сочи сийраклаб, мош-гуруч гуёга кирибди. Алпдек қаддибасти хиёл эгилибди. Бу меҳнат ўтида чиниққанлик нишонаси. Аммо ўзи бардам, сўзлари тийрак. Ўша одати — ўн ўйлаб, бир сўзлайди сўзлари заминида халқ, партия, жамият манфаати, инсоний бурч ётади. Учрашувдаги суҳбатлари шуни англатдики, колхоз кўп тармоқли бадавлат хўжаликка айланибди. Экономика мустаҳкам, қўл узатилган жойга етади. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг миқдори ҳам, салмоғи ҳам эўр даромад ҳам тез бўй чўзяпти. Қишлоқ шаҳарча тусига киряпти.

— Овкат ҳазм қилишиқ ҳоҳлаган товуқ гош ейди деган гап бор халқимизда, — кулиб деди суҳбатдошимиз, — гош ейиш эса осон эмас. Шунга ўхшаш колхозни бой қиламан, бола-чақам билан пири-бадавлат ҳаёт кечирамаи деган киши меҳнатсиз ғочмаслиги керак. Меҳнат колхозчиларимизнинг йўлдошига айланди. Биз ер ни эъзозлаяпмиз, ер эса сийнасида эсраган боғлигини ҳаёл этяпти. Техникага таянямиз. Натижада юз енгил кўчиб, мўлжалдаги маррага тез етяпмиз. Уруш жароҳатларини бутунлай даволаб, кўрган кўз кувонадиган ютуқларга олиб келган омилларнинг баъзилари шулар.

Хўжа Ҳасан қишлоғига тез-тез бориб турамиз. Ҳар гал депутатни иш устида учратамиз. У далада яғи ер очаётган механизаторларга маслаҳат берса, лабораторияда ҳосилдорликни ошириш устида иш олиб бораётган мутахассис билан бирга бош котиради, қурилиш майдончасида бўлиб қурувчиларга йўл-йўриқ кўрсатса, чойхонада қариялар билан вильтга қарши тадбирлар ҳақида фикрлашали. Кундузи бригадаларда меҳнатнинг ташкил қилиниши билан танишса, кечқурун касалхонадаги беморларнинг ҳолидан хабар олади...

Бу гал правление мажлисининг устидан чиқиб қолдик. Бош ҳисобчи хўжалик йилининг якунлари ҳақида ахборот берипти, ишини ҳаяжонга солдиган, тўқилантирадиган рақамларни тилга олипти. Биз шулардан айримларини ён дафтаримизга ёзиб олдик.

1968 йилда пахта тайёрлаш плани ошириб бажарилди. Бир йилда ҳосил 7.4 центнер кўтарилди. Ҳар центнер пахтанинг таннархи кўзда тутилганидан 20 процент эиёд камайтирилди.

Маъруза чи сортнинг яхшиланиши, машина терими намуналаштирилиши этилиши, тежамкорлик билан иш тутилиши туфайли кўп миқдорда қўшимча даромад олинганини таъкидлади, бир меҳнат кунининг қиммати салкам 4 сўмга гўшганини айтди.

Юқори ҳосилли бригадаларда даромад янада кўп бўлди. Масалан, Ўринбой Ўрозев, Раҳимжон Зокиров, Тошали Мамажонов, Мухтороли Кодиров бошлиқ бригадалар гектаридан 37-38 центнер пахта хирмони кўтарди. Даромад ҳам шунга яраша ортди, — деди сўзини давом эттириб бош ҳисобчи.

Сўнгра умумий даромаддан бўлинмас фонд, қурилиш-ободончилик, маданий-маиший эҳтиёжлар учун маблағ ажратиш ҳақида гап борди. Ҳисобот танқидий таҳлил қилиниб қимматли таклиф-мулоҳазалар айтилди. Пахтанинг таннархи ҳамон қиммат, чорва маҳсулдорлиги паст, маккажўхори намситилапти, шоликорликка етарли эътибор берилмаяпти. Бўлинмас фондга маблағ ажратиш масаласи эса мунозарага сабаб бўлди.

— Умумий даромаднинг 25 процентини бўлинмас фондга ажратсак деган таклиф бор, — гап қотди раис.

— Менимча 15 проценти ҳам етади, — эътироз билдирди бригадир Бўстонбой Абдусатторов.

Бригадирнинг гапида жон бор. Колхоз кучли автотрактор парки ва етарли техникага эга. Правление идораси, ҳашаматли клуб қишлоқ ҳуснига-ҳусн қўшиб турибди. Бултур 100 ўринли касалхона, ўн йиллик ўрта мактаб бинолари қурилди. Қўша-қўша магазинлар, боғча-ясли, кинотеатр бинолари халққа хизмат кўрсатяпти. Ҳаммомлар тортиб марказлашган ошхонагача — ҳаммаси янги қурилган. Водопровод, артезиан суви шарақлаб оқиб турибди. Чорва бинолари ҳам янги, оғир ишлар механизмлар гарданига ортилган. Шундай бўлгач, бўлинмас фонддаги маблағни кўпайтиришга ҳожат борми?

— Ҳа, бор, — сўзини давом эттирди раис — орзу-хаваслик замонда яшаб меҳнат қиляпмиз. Кечаги янгилик бугун эскириб қоляпти. Бугунгиси ҳам эртага эскириши мумкин. Шундай бўлгач, давр, замон талабига жавоб берадиган маданий-маиший корхоналарни кўпайтиришимиз керак. Маиший хизмат кўрсатиш комбинатининг лойиҳаси қўлимизда турибди, тезда иш бошлаш лозим. Қишлоғимиз кенгайяпти. Водопровод, электр, газ, телефон, радио тармоқларини шунга қараб чўзишимиз зарур. Никоҳ тўйларини бахт уйида ўтказсак деган ниятимиз бор. 900 хўжаликдан энди 220 хонадонга табиий газ киритилди. Қолган хонадонларни ҳам газлаштирмасак бўлмайди. Якка тартибда иморат қуришни правление қўлига олиш, иморат битгач, узоқ муддатли қарзга колхозчиларга сотиш фурсати етди.

Раис ўз фикрини мисоллар, рақамлар билан шундай содда, лўнда қилиб тушунтирдики, Бўстонбой ака ўз таклифини қайтиб олди. Правление аъзолари эса раснинг таклифини қўллаб юз процент овоз берди...

Кечки пайт Хўжа Ҳасан қишлоғини томоша қилдик. Ҳамма жойда Ильич чироқлари порлаб турибди. Радио приёмниклар, телевизорлардан ёқимли куй садолари эшитилади. Кафтдек текис йўларда енгил машиналар, мотоциклар елдек учиб боради. Ешларнинг бахт ҳақидаги қўшиқларни куйлаб кино-театрлар сари йўл олади. Чойхонада қариялар гурунгги авжда. Ҳа, Хўжаҳасанликлар кечаги ижодий меҳнат завқини суряпти. Шу билан бирга эртаги улкан режаларни амалга ошириш йўллари ҳақида жиддий бош котиряпти. Янги режалар эса чекка эмас — кенг пахта майдонларининг ҳар гектаридан 40 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтарилиши керак. Дон, пилла, гўшт, сабзавот, мева миқдори кескин кўпайтирилиши лозим. Бу доҳийимиз В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига муносиб совға ва республика қишлоқ хўжалик илғорлари қурултойи қатнашчилари қабул қилган мажбуриятга жавоб бўлади.

Колхозлар жўнаб кетаркамиз кўз ўнгимиздан халқ хизматкорининг мазмуни ва ибратли ҳаёт йўли ўтди: оддий колхозчи, Совет Армияси жангчиси, колхоз раиси... Партия ва ҳукумат уни Ленин ордени, Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан, қўша-қўша медаллар билан мукофотлади. «Республикада хизмат кўрсатган пахтакор» фахрий унвони берилди. 385-Карл Маркс сайлов округининг сайловчилари Мирзамаҳмуд Абдураззоқовни Ўзбекистон ССР Олий Советига депутат қилиб сайладилар. Халқ хизматкори сайловчилар ишончини оқлаяпти, наказларини бажаряпти.

М. НАЗАРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.
Қува районн, Карл Маркс номли колхоз.

Хазорасп районидаги комплекс механизациялашган «Коммуна» колхозининг аъзолари бу йил янги ерларни ўзлаштириш ҳисобига пахта ва бошқа экинлар майдонини кенгайтириш, кўклам экишини шайланиб кутиб олиш мақсадида зўр ғайрат кўрсатиб ишлаяптилар. Бу ерда мавжуд техниканинг деярли ҳаммаси ремонтдан чиқарилди, муҳим агротехника тадбири бўлган шўр ювиш жадал олиб бориляпти. Юқоридаги суратда: колхознинг илғор механизатори Тоҳир Оллашукуров. У, янги ерларни ўзлаштиришда ўз касбдошларига ибрат кўрсатяпти. Пастдаги суратда эса, Тошкент шаҳар ижроия комитетига қарашли манзарали дарахтлар совхозининг ишчиси Роза Ҳолиқова хўжалик оранжереясида.

Ж. Раззоқов ва И. Глауберзон фотолари.

ХАЛҚ НОМЗОДЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВЛАР

Ўзбекистоннинг шаҳар ва қишлоқларида сўнгги сайлов олди йиғилишлари бўлиб ўтмоқда. Бу йиғилишларда сайловчилар маҳаллий Советларнинг депутатлигига кўрсатилган номзодлар билан учрашмоқдалар.

Учрашувлардан бирида сайловчилар шаҳар Совети депутатлигига ўзлари кўрсатган номзод — Тошкент тўқимачилик комбинатининг арқоқчиси Марҳамат Йўлдошева тўғрисида зўр самимият билан гапирдилар. Машҳур тўқувчи ўзининг шу корхонадаги меҳнат фаолиятини бундан 35 йил муқаддам бошлаган эди, у кун сайин янгидан-янги муваффақиятларга эришиб бормоқда. Марҳамат Йўлдошева меҳнат операцияларида секундларни ва минутларни тежашни яхши ўрганиб олиб узилган арқоқни ўз дугоналарига қараганда бир ярим баравар тез улайди, ишлаб чиқариш топшириқларини анча ошириб бажаради.

Совет ҳукумати М. Йўлдошеванинг маҳоратини юксак баҳоладн — ўз энг олий унвон — Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонига сазовор бўлди. Советларнинг составига бир неча марта сайланди. Ҳозир ҳам Марҳамат Йўлдошева Тошкент шаҳар Советининг депутати вазифасини шараф билан адо этиб, меҳнаткашларнинг наказларини бажариш йўлида кўп иш қилмоқда.

Бинокор-техник Толибжон Сулаймонов Хўжаобод районининг Жалақудук қишлоқ Совети депутатлигига кўрсатилган номзодлардан бири. Димитров номли колхоз меҳнаткашлари у билан учрашмоқ учун янги мактабнинг мажлислар залини лиқ тўлдирдилар. Колхоз раиси Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Шомурод Алимов кейинги йилларда қишлоқ нақадар равнақ топганлигини, унда шинам уй-жой бинолари, машҳур уй, мактабгача тарбия ва медицина муассасалари қурилганлигини батафсил гапириб берди. Ленин юбилейига қадар қишлоқда юзта янги уй-жой бинои қад кўтаради, стадион, маданият саройи қуриб битказилади. Депутатликка кўрсатилган номзод ва унинг ўртоқлари деҳқонларнинг турмушини яхшилаш йўлида зўр бериб меҳнат қилаётганликларини колхоз раиси таъкидлаб ўтди. (ЎзТАГ).

САВОЛ-ЖАВОБ КЕЧАЛАРИ

Оржоникидзе районидаги 5-сайлов участкасидаги шинам безатилган. «16 март — Ўзбекистон ССР меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советларига сайловлар куни», «Ҳамма — сайловга» деган плакатлар деворларга осиб қўйилган.

Сайлов участкасидаги агитпункт одатдан ташқари гавжум. Ҳар оқшом сайловчилар агитпунктда газета, журналлар, СССР Конституцияси ва Совет сайлов системасига оид адабиётлар ўқиб турадилар.

50 дан ортиқ агитаторлар хонадонларга бириктирилган. Улар Республика тажриба станциясида Ленин, Космонавтлар, Қизил Октябрь кўчаларида жойлашган уйларда тез-тез бўладилар. Суҳбатлар ўтказмоқдалар. Айниқса, агитпунктда сайловчилар учун савол-жавоб кечалари қизиқарли ўтмоқда. Кечада сайловчиларга район маданият бўлимининг бадиий ҳаваскорлари концертлар бермоқда, кинофильмлар кўрсатмоқда.

ҚУЛАЙЛИК

Шаҳри азминиз Тошкентда кунма-кун янги-янги бинолар қад кўтармоқда. Буларга нечагина пастқам уйларда яшаган тошкентликлар кўчиб ўтмоқдалар. Айниқса Олой бозори, Қаймоқ бозори, Сомон бозори деб ном олган жойларда қурилган биноларга шу ерниинг, туб аҳолиси кўчиб кирмоқда.

Янги уйларга кўчиб кираётганлар район милиция бўлимига уй дафтари, паспорт, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳномани кўтариб қатнашдек оворагарчиликдан холи бўлмоқдалар. Киров район милициясининг паспорт бўлими ходимлари янги уйга кўчиб кирганларни уйига бориб, шу жойнинг ўзида пропискадан ўтказа бошладилар. Бу ишни, албатта, улар кўпинча дам олиш кунлари, яъни шанба-якшанба кунларида қилмоқдалар. Чунки ишчи кунлик дам олишга ўтган меҳнаткашлар ўз уйларида бўладилар-да.

Оз вақт ичида «Ц-2», «Ц-4» ва «Ц-5» кварталида жойлашган аҳолининг 90 процентга яқини пропискадан ўтказиб бўлинди.

Прописка қилишда Киров район қарбий комиссариати ҳам қатнашмоқда. Чунки бир йўла қарбий учётга ҳам қабул қилинмоқда.

Меҳнаткашлар Киров район милициясн паспорт бўлимининг ходимлари Хурсандой Гадоева, Султон Шомансуров, Абдималик Очилов ва паспорт бўлимининг бошлиғи Носир Шомансуровларнинг номини ҳурмат билан тилга олмоқдалар.

Куни кеча шаҳар ички ишлар бошқармасининг кўчма Қизил байроғи билан тақдирланган Киров район милициясининг бу ташаббусига Октябрь ва Чилонзор район милиция бўлими ҳам қўшилдилар.

Бу ибратли ишдан шаҳримизнинг бошқа район милиция органлари ҳам намуна олсалар арзийди.

Ю. ЗИЕДОВ.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» СПРАВКА БЮРОСИ

Ишдан бўшаётганимда меҳнат дафтарчамга фахрий ёрлиқлар билан мукофотланганлигим ёзилмаганлигини билиб қолдим. Кадрлар бўлими бошлиғига дафтарчамга уларни ёзиб беришини илтимос қилган эдим, у рад қилди. Шу тўғрими?

Ж. ОРТИҚОВ,
Фарғона шаҳри.

Фахрий ёрлиқлар билан мукофотлаш ходимларни алоҳида рағбатлантириш ҳисобланади. У меҳнат дафтарчасига ёзиб қўйилиши лозим. Ходим ишдан бўшаётганда раҳбар (ёки бу иш ишониб топширилган шахс) бу ёзувларни текшириб, корхона (муассаса) муҳрини босиши керак.

* * *

Уз аризасига кўра ишдан бўшаганларга мукофот пули берилади-ми?

Ж. РАСУЛОВ,
Тошкент шаҳри.

Ой (квартал) охиригача ишламасдан ўз хоҳиши билан узрсиз ишдан бўшаганларга ишлаган вақтига мукофот пули тўланмайди.

Баъзи ҳолларда, масалан, Совет Армияси сафига чақирилиш, пенсияга чиқиш ёки ўқишга кетиш, касаллик туфайли ишдан бўшалганда мукофот пули тўланади.

* * *

Штат қисқарганлиги сабабли ходимни ишдан бўшатган корхона маъмурияти, уни ишга жойлаштириб қўйиши керакми?

М. ЭРГАШЕВА,
Ғузор районн.

Штатлар қисқарганлиги туфайли кишиларни ишдан бўшатаётганда корхона, муассаса, ташкилот маъмурияти бунга алоҳида эътибор бериши зарур. Ишдан бўшатишга маҳаллий комитетнинг розилиги асос бўлади. Маҳаллий комитет ишдан бўшатиш сабабларини ва ходимни мазкур корхона (муассаса)нинг бошқа бирор соҳасига жойлаштириш имкониятини текширади. Агар бунга имкон бўлмаса, маъмурият уни шу район территориясидаги бошқа корхона ва муассасаларга жойлаштириб қўйишда ёрдам бериши лозим.

* * *

Упка сили билан оғриганларга меҳнатга қобилиятсизлик варақаси асосида пул тўланадими?

Ғ. ҒАНИХУЖАЕВ,
Кўқон шаҳри.

Сил касали билан оғриган беморларга (агар у касб орқасида келиб чиққан бўлмаса) узлуксиз иш стажиги қараб умумий қоидалар асосида нафақа тўланади. Ишчи ва хизматчи — ногиронларга сил касали билан оғриб, вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотганда ва бошқа касаллар билан оғриганда бир йилда икки-уч ойгача нафақа тўланади.

* * *

Газетхонлардан Б. Норов, А. Бойматов, Б. Равшанов, Т. Тўхтаназаров, А. Қаландаров, Н. Сидиқов, С. Худойназаров, Б. Исоқов, К. Эшонқулов ва бошқаларнинг «Справка бюроси»га йўллаган саволларига газетамиз саҳифасида чиққан олдинги справкаларда жавоб берилган.

ХАЗИНАЛАР КАЛИТИ

Совет Иттифоқи кон топарларининг кенгаши бундан икки йил аввал Россия Федерациясининг Тюмень шаҳрида—нефть ва газ қазиб чиқаришда жаҳонга довруг солган жойда ўтказилган эди. Ўтган йили эса ана шундай катта йиғин Украинада бўлиб ўтди. Эндиликда ер ости хазиналари калитини маҳкам тутган кон топарлар анжумани бизнинг ўлкамизда—Самарқандда ўтказилади.

Бу катта йиғинга мингга яқин геолог, геофизик, гидрогеологлар, пармаловчилар келишади. Улар СССР Геология министрлиги корхоналари ва коллективлари ишига якун ясабгина қолмасдан, 1969 йилда бажариладиган ишларни белгилаб оладилар. Ҳазина топарлар кенгашининг қатнашчилари Ўзбекистон шаҳарлари ва ишчи посёлкаларида ўлкамиз меҳнаткашларининг иши ҳамда турмуши билан танишадилар. Музейлар, тарихий ёдгорликлар билан танишадилар, театрларда, касалхоналар, мактаблар ва институтларда бўладилар.

Совет Иттифоқи—халқ хўжалигининг хом ашёга бўлган эҳтиёжларини тўла-тўкис қондириб келаётган жаҳонда ягона мамлакат. Ўзбекистон геологлари мамлакатимиз меҳнаткашларининг ана шу зафарига муносиб ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар. Кўплаб газ ва нефть конларининг очилиши, Бухоро—Урал, Ўрта Осиё—Марказ газопроводларининг қурилиши республикамизнинг коммунизм қурилишига қўшадиган ҳиссасини яна ҳам кўпайтирди.

Гидрогеологларимиз ва гидромелиораторларимизнинг муваффақиятлари Ўзбекистон шаҳарлари ҳамда ишчи посёлкаларини ичимлик ва саноат учун фойдаланадиган сув билан таъминлаш вазифасининг ҳал этиб қолмасдан, чорва моллар боқиладиган яйловларда 8 мингдан кўпроқ қудуқлар ҳам парманди. Мирзачўл ва Қарши чўллари, республикадаги сувга ташна бошқа ерларда мелиорация ишлари ҳамда суғоришни яхшилашга қаратилган тадбирлар амалга оширилади. Инженерлик иншоотлари қурилиши йўли билан чўллар бўстонга айлантирилмоқда.

Мурунтов ва бошқа олтин конларининг топилиши олтин саралаш фабрикалари, комбинатлари қурилишини тезлаштириб юборишни тақозо этмоқда. Эндиликда республикамиз мамлакатнинг олтин етказиб берувчи қатта манбаларидан бўлиб қолади. Бу беш йилликда учта кон фойдаланишга топширилган бўлса, келгусида беш-олтитадан кони саноат учун фойдаланишга бериб турамиз.

Республика олтин конларининг истиқболи ҳақида геологлар берётган маълумотлар жуда қизиқарли. Биз Тяньшань ва Уралнинг ўзаро алоқадорлиги тўғрисидаги металлогеник илмий сир-асрорларнинг кашф этилиши арафасидамиз.

Улуғ доҳий В. И. Ленин юбилейини муносиб нишонлаш учун кураш мусобақасида геологлар ҳам олдинги сафда бормоқдалар. 1969 йил учун оширилган мажбуриятлар олинди. Планлар ортиғи билан адо этилишини таъминлайдиган тадбирлар кўрилмоқда. Геологлар янги конларнинг «кўз»ини очишга алоҳида аҳамият берётирлар.

Меҳнат Қизил Байроқ орденли Самарқанд геология, Тошкентгеология ва «Ўзбекгеофизика» трестлари янги олтин конларини очиш учун ишлаб чиқилган пухта режалар тузадилар. Бу планлар муваффақият билан амалга оширилишига ишончимиз комил. Келгуси беш йилликда олтин конларини топиш ва ўрганиш ишлари ҳам кенгайтирилади. Геологлар асосий куч ва эътиборларини Тошкент атрофи ва Самарқанд областидаги олтин саралаш корхоналарини минерал хом ашё билан таъминлашни кенгайтиришга қаратмоқдалар. Олтин саралаш фабрикалари қурилади. Шунингдек, Жанубий Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон АССРда саноат учун ярокли конлар ишга туширилади.

Келажакда Қизилқумда, Мурунтов маъдан саралаш комбинати районида, Букантовдаги йирик Кўкпатос ва бошқа жойларда геология-қидирув ишлари давом эттирилади. Янги беш йилликда Оҳангарон—Олмалиқ районида, Қизилқумда, Султонуездогда, Нурота тоғида ва республикамизнинг бошқа районларида қидирув ишлари кенгайтириб юборилади. Кўриниб турибдики, келгусида олтин қазиб олинадиган конларимиз кўпайиб бораверади.

Ўзбекистон кон топарларининг кўпминг кишилик коллективи нефть, газ, олтин конларинигина эмас, балки халқ хўжалиги учун зарур бўлган бошқа минерал конларни ҳам ўрганади. Қум, шағал, соз тупроқ каби қурилиш материаллари конлари фойдаланишга топширилади. Ғозғон мармари Москва метросини яшнатиб турибди. Бу кон мармаридан Тошкент метрополитени ер ости станциялари қурилишида ҳам фойдаланилади. Бундан ташқари феруза, гранит, габро, оникс конлари ҳам топилди. Ана шуларнинг ҳаммаси республикамизда авж олиб кетган қурилиш объектларининг материалларга бўлган эҳтиёжини қондиришга хизмат этади.

Беш йиллик топшириқлари муваффақиятли бажарилмоқда. Запасларни кўпайтириш бўйича 1968 йил плани минерал хом ашёларнинг барча турлари бўйича бажарилди. Олтин 130 процент, дала шпати 176 процент, нефть 109,5 процент ва табиий газ бўйича 106,3 процент адо этилди. Планга қўшимча кўрилган фойданинг ўзи қариб 2,6 миллион сўмга етади.

1969 йил топшириқлари ҳам яхши бажарилмоқда. Қиш қаттиқ келгани сабабли проходка ишлари ва пармалаш ишларида анча қийинчиликларни енгишга тўғри келмоқда. Март ойидан ишларимиз юришиб кетди. Январь—февраль ойларидаги чала ишларимизнинг ўрни тўлдирилянти.

Нукус, Бухоро, Қарши, Самарқанд, Андижон, Тошкент шаҳарларида ўтган йил якунларига бағишланган партия-хўжалик активи йиғилишлари бўлди. Бу йиғилишларда янги йил вазифаларини ҳар жиҳатдан тўкис адо этишга қаратилган кўпгина мулоҳазалар айтилди, тадбирлар ишлаб чиқилди.

Республикамиз—ер ости бойликларга кон ўлка. Уларни топиб, халқ хўжалигига хизмат қилдириш биз, геологларнинг шарафли бурчимиз. Мукаммал машина-механизмлар, асбоб-ускуналар бор. Геологликни эзозлаб келаётган турли касбдаги кончилар хазиналар кўзини тез-корлик билан очаверадилар.

А. АҲМАДБОЕВ,
Ўзбекистон ССР геология министрининг ўринбосари.

ОДОБ МАВЗУИДА

КАМТАРЛИК ИНСОНИ УЛУҒЛАЙДИ

Камтарлик—кишини улуғлайди, ҳурматига ҳурмат қўшади, эл-юрт олдида, коллективи, дўстлари олдида обрў-эътиборини оширади. Юксак коммунистик одоб ва ахлоқ эгаси бўлган олижаноб, меҳнатсевар кишилар ҳамма вақт, ҳар қандай вазият, қандай лавозим ва даража эгаси бўлишларидан қатъи назар, улар ўзларини камтар тутадилар, кишиларга меҳрибонлик кўрсатадилар, қўполлик, мақтанчоқлик қилмайдилар. Халқ хизматкори, партиянинг солдати эканликларини доимо ҳис қилиб турадилар. Ҳақиқий камтарлик — ўз шахсига бино қўймаслик, манманликка берилмаслик, шуҳрат кетидан қувмаслик, обрўни сўраб олмаслик, ютуқлар олдида эсанкирамаслик.

Халқимиз сохта обрўни, шуҳратни меҳнат билан, ақл-идроқ кучи билан олинадиган обрўдан ажрата олади.

Энг олижаноб камтарлик намунасини доҳийларимиз Маркс, Энгельс, Ленин кўрсатдилар. Маркс ва Энгельс ҳаёт вақтларида ўз шахсларини улуғлашга асло йўл бермаган эдилар, ўзига бино қўйган, кибрланган «социалист»ларни ёқтирмас эдилар. Уларнинг бутун фаолияти инсониятнинг эзгу орзуларини рўёбга чиқариш учун курашга бағишланган эди. Владимир Ильич Ленин ўзининг ҳаётини, ақл-идрокини, ижодкорона меҳнатини халқ бахт-саодати йўлига бағишлади, қанчалик улуғ инсон, барча халқлар йўлбошчиси, буюк назариётчи бўлишига қарамасдан ниҳоят даражада камтар, юксак олижаноб фазилатлар эгаси эди.

«Владимир Ильич, — деб ёзади кекса коммунист Н. Г. Горбунов эсдаликларида,— кишилар билан муомалада ўзининг жуда камтарлиги билан ажралиб турарди. У кимга қандай муомала қилишни дарҳол билиб олар... У ҳатто энг кичик оддий ходимга ҳам эътибор билан қарар, ўз суҳбатдошига ҳамиша илтифот қилар эди».

Ҳақиқатан ҳам доҳиймиз ҳақидаги эсдаликларни қайта-қайта мутолаа қилиб, унинг ҳаёт саҳифаларини варақлар эканмиз, Владимир Ильичнинг энг улуғ, жуда ҳам камтар инсон бўлганлиги кишини тўлқинлантиради.

Халқ Комиссарлари Советининг ишлар мудири «ўзбошимчалик билан, қонунга хилоф» иш қилиб, Владимир Ильичнинг ойлигини бир оз ошириб қўйганда қаттиқ хайфсан олган эди. У дабдабабозлик, тантанабозлик, мақтовларни ёмон кўрарди. Ўз шахсини улуғлашга ҳеч қачон йўл қўймасди. Унинг эллик йиллик юбилейини ўтказишмоқчи бўлишганда Владимир Ильич аввалига бунга қатъиян қарши чиққан, ниҳоят бўлмагач, икки нотиқнинг сўзидан кейин мажлисдан чиқиб ўз ишлари билан шуғулланган, кейин телефон орқали мажлис бўлаётган жойга қўнғироқ қилиб, тезроқ тамомлашни илтимос қилган эди. Улуғ йўлбошчимиз ҳаёт саҳифаларидан яна ҳам кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Ленининг йўли, ишлари, кўпқирралли фаолияти, олижаноб фазилатлари ҳамма учун катта ҳаёт мактаби, беқиёс ўрнакдир. Ҳар биримиз ўз ҳаётий ва иш фаолиятимизда, юриш-туришимизда, оилада ленинча ҳаёт мактабидан ўрганишимиз керак. Ленинча яшаш ва ишлашни муқаддас бурчимиз, қарз ва фарзимиздир.

В. И. Ленин ҳаётидаги айрим саҳифаларни кўрсатишдан мақсадимиз, мазкур мақолада қисқача бўлса ҳам камтарлик ҳақида фикр юритмоқчимиз, кундалик ишимизда, ҳаётимизда, кишилар билан бўладиган муносабатларда ўзаро мулоҳаза қилиб, юрган айрим масалаларга тўхталиб ўтмоқчимиз.

Меҳнаткаш, жафокаш, билим доираси кенг, ўз шахсий манфаатидан кўра жамият иши учун жон куйдирадиган ақл-идрокли, фаросатли кишилар ҳаётда ўзларини камтар тутадилар. Зеро инсон ўзини қанчалик камтар тутса шунча обрўси, ҳурмати ошади. Олижаноб фазилат эгаси бўлган меҳнатсевар кишилар ўзларининг ана шу яхши хулқ-атворлари билан халқ, партия ишончини қозонадилар.

Баъзан айрим кишилар бирор каттароқ лавозимга ўтиб қолса борми, босар-тусарларини билмай қолади, яқин кишиларига, дўстларига ҳам муомаласи ўзгариб, ўзидан ақлли киши йўқдек кибрланиб кетади, ўзига топшириб қўйилган лавозим ёки даража халқ, партиянинг юксак ишончи эканлигини унутиб қўяди.

Фан ва маданият соҳасида ишловчи баъзи кишилар ўзларига берилган олимлик даражасини ёки фахрий унвонларни етуклик чўққиси, илм ва маданият чўққиси деб қабул қиладилар. Улар энди фанни ривожлантиришдан кўра кўпроқ юбилейлар ўтказиш, ўз фаолиятлари ҳақида мақтовлар эшитиш, табрикномалар олиш дардига йўлиқадилар.

Биз ўтган йили бир фан кандидатидан таклиф билети олдик. Унда ўзининг эллик ёши, ижодий-илмий фаолиятининг 30 йиллиги муносабати билан бўладиган тантанали маросимда таклиф қилган эди.

Таклиф билетини ўқиб чиқиб ўйга тўлдик, мулоҳаза юритдик. Билетнинг биринчи бетида унинг сурати, ички бетда эса тантанали маросимнинг кун тартиби берилибди. Албатта, кун тартибида тақриклар қисми ҳам бор. Ҳўш, дўстимиз шундай катта ҳурматга сазовор киши эканми, институт жамоатчилиги унинг юбилейини ана шундай тантана билан нишонласаг Фанга қандай янгилик киритибди, қандай из қолдирибди, қандай катта жамоатчилик фаолияти кўрсатибди. Ўйлаб қарасак эсда қоладиган бирорта ҳам йирик асари, илмий мақоласи йўқ. Жамоатчилик фаолияти эса институт доирасидан чиқмаган. Ахир бизнинг республикамизда катта фаолият кўрсатган, эллик ёшга тўлган, фаннинг ривожи йўлида кўп ишлар қилган кишилар кам деб ўйлайсизми? Бизнингча бундай кишилар жуда кўп, нега улар ўз юбилейларини ўтказишмайди. Балки улар кўп иш қилиб, ҳам тантана қиладиган олижаноб, камтар кишилардир. Бунинг устига эллик ёшга тўлиш ҳам жуда қарилик белгиси эмас. Эллик ёш куч-қувватга, ақл-фаросатга тўлган, айни иш берадиган ёшдир. Бундай фактлар биттаникита бўлганда ортиқча мулоҳазаларга ҳожат йўқ эди. Афсуски, айоим илмий-текшириш институтларида, олий ўқув юртларида олимларнинг, маданият ходимларининг юбилейларини зўр тантана билан ўтказиш, қимматли совғалар тақдим этиш фактлари одат тусига кириб кетмоқда.

Бундан олимларимиз, маданият ходимларимизнинг юбилейлари тантана билан ўтказилмасин, деган фикр келиб чиқмайди, албатта. Бизнингча ҳаммадан аввал ҳар бир юбиляр ўзининг ана шундай тантана билан нишонланишга лойиқ ёки лойиқ эмаслигини танасига ўйлаб кўриши, ҳаёт йўлига бир назар ташлаб мулоҳаза юритиши лозим. Эл-юрт, жамоатчилик кимнинг юбилейини ўтказиш кераклигини жуда яхши билади ва тушунади, уларнинг ҳар бири ҳақида мулоҳаза юритади. Шу сабабдан юбилей тантаналаои ўтказиш, кишиларнинг кичик ишларини бўртириб кўрсатиш, ҳадеб мақтанавериш, унинг адресига ортиқча мақтов гаплар айтиш тўғримикан. Бу ёшлар тарбиясига ижобий таъсир кўрсатармикин? Бундай юбилей тантаналарини уз уйингизда, яқин дўстлар, қариндош-уруғлар даврасида ўтказиш маъқул эмасмикин?

Эл-юрт олдида обрў қозонган, фан ва маданият соҳасига салмоқли ҳисса қўшган, ишлаб чиқаришда донг таратган таниқли олим, ёзувчи, ишчи, колхозчи, маданият арбобларининг юбилейларини халқ, жамоатчилик ҳурмат-иззат билан кўнгли чопиб ўтказади. Ҳаммамиз учун ҳурматли бўлган, атоқли олим ва жамоат арбоби, академик Қори-Ниёзий, халқимиз музика меросини эзозлаб сақлаб келаётган, кўз нури, ақл кучи билан йиғиб йирик асарлар яратаётган санъаткор Юнус Ражабий ва шунга ўхшаш мўътабар кишиларнинг юбилейларини кенг жамоатчилик жон-дил билан ўтказди.

Бизнинг фикримизча, саноат корхоналарида, қурилишда, қишлоқ хўжалигининг турли тармоқларида кўп йиллар ишлаган, донг таратган, республикамизда илғор ҳаракатлар ижодкори бўлган машҳур ишчилар, қурувчилар, донгдор пахтакорлар, чорвадорларнинг юбилейларини ҳам жамоатчилик ўртасида ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Бир вақтлар Тошкент шаҳар партия комитети Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги муносабати билан «Ишчилар синфига шарафлар» деган шиор остида донгдор ишчилардан бир неча кишининг юбилейини ўтказиб жуда тўғри иш қилган эди. Бундай ибратли ишларни ҳамиша қўллаб-қувватлашимиз даркор.

Улуғ Советлар диёрида меҳнат ижодкорлик иши, шараф ва қаҳрамонлик ишидир. Коммунистик қурилиш авж олиб кетган ҳозирги шароитда хўжалик ва маданий қурилишнинг ҳамма соҳаларида фидокор, жасоратли халқимиз ана шу улкан ишга муносиб ҳисса қўшиш учун қаҳрамонона меҳнат қилмоқда. Ишчилар, колхозчилар, маданият аҳлининг ана шу меҳнати юксак тақдирланмоқда. Партия ва ҳукуматимиз — улар меҳнатига муносиб баҳо бериб, орден ва медаллар билан мукофотламоқда, юксак унвонлар бермоқда. Республикамиз партия ва совет ташкилотлари ҳам ана шундай олижаноб вазифани амалга ошириб, халқ бахт-саодати йўлида хизмат қилган энг ҳурматли, мўътабар олижаноб кишилар меҳнатини тақдирлаб, Фахрий ёрлиқ ва унвонлар берянти.

Фидокорона меҳнат учун олинган юксак мукофат — орден ва медалларни, юксак унвонлар белгиси бўлган нишонларни шараф билан кўкракка тақиб юриш керак. Одамлар сенинг хулқинг, ишинг, юриш-туришинг, жамоатчилик олдида ўзингни тутишингдан сенга баҳо берсин, партия ва ҳукумат бу кишига юксак унвон бериб жуда тўғри иш қилган экан, деб сен билан фахрлансин! Зеро халқнинг иззат-ҳурматига сазовор бўлиш катта бахтдир. Халқ партия ва ҳукумат билдирган юксак ишончни оқлашимиз, шарафли номга муносиб бўлишимиз, уни муқаддас билиб, покиза сақлашимиз керак.

Камтарлик — кишининг меҳнатсеварлиги, юксак маданияти ва билимидан далолат беради. Биз кишилардаги бу ажойиб олижаноб фазилатни эзозлашимиз, рағбатлантиришимиз, уларни ёшларга ўрнак қилиб кўрсатишимиз, мақтанчоқлик, манманлик, гердайиш, ўзи билан ишлайдиган ходимларга паст назар билан қараш каби яраш-майдиган иллатларга вақтида зарба беришимиз керак.

Камтар инсон ўз шахсини, фароғатини, иззат-нафсини ўйламайди, аввало кўпчиликни, жамиятни, халқни, унинг бахт-саодатини ўйлайди. Буюк Алишер Навоий айтганидек:

«Одами эрсанг, демагил одами,
Оними, йўқ халқ ғамидин ғами».

Ҳар бир совет граждани — катта давлат арбобими, машҳур санъаткор, маданият ходими ёки атоқли олимми, хуллас ким бўлишидан қатъи назар улуғ Коммунистик партия йўлбошчилик ва раҳбарлик қилаётган совет жамиятининг граждани эканлигинг, ҳеч қачон унутмаслиги керак. Сенинг меҳнатингга баҳо берган, улуғлаган, шонш-шуҳратга қоплаган, ҳаётингга нур, мазмун бахш этган ҳам шу улуғ халқ ва партиядир.

Р. САХИБОЕВ,
М. ҚОРИЕВ.



Бухорода бунёд этилаётган янги алоқа уйида монтаж ишлари қизғин давом эттирилаётир. Автомат телефон станциясининг ускуналари монтаждан чиқарилянти. Келажакда 70 та автомат телефон ўрнатилади.

Суратда: шаҳарлараро телефон станциясининг коммутатор зали.

А. Усмонов фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

АХБОРОТ РЕСПУБЛИКАМИЗ БЎЙЛАБ

ТАЙЁРЛОВ КУРСИ

ҚАШҚАДАРЁ. «Узсельхозтехника»нинг Чироқчи район бирлашмасида пахта терим машинаси механизаторлари тайёрлов курси очилди. Ҳозир бу ерда «Коммуна», «Ленинград», «Москва», «Коммунизм» ва Охунбобоев номли колхозлардан келган 40 дан ортиқ хотин-қиз таълим олмоқда.

С. ЁРМАТОВ.

ТРОЛЛЕЙБУС ҚАТНАЙДИ

НАМАНГАН. Шаҳар ижрокомига Тошкентдаги «Узгипрокоммунинжпроект» институтидан яқинда ана шундай хушхабар келди. Ҳозир Наманганда троллейбус қатнайдиган йўллар лойиҳаси тайёрланмоқда.

Шаҳарда троллейбус қатнови учун тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди. Чирчиқ шаҳридан 200 га яқин электр линияларини тортадиган тирговичлар келтирилди. Троллейбус даставвал Ленин майдонидан бошлаб «Октябрь 25 йиллиги», Ленинград, Гагарин кўчалари бўйлаб қўқимачилик шаҳарчасига қадар боради. Кейинроқ, у Тахтакўприк майдони — «Тўқимачилик шаҳарчаси» маршрутлари бўйича қатнайди. Гулистон посёлкасида 3 гектардан иборат троллейбус депоси қурилади.

А. МАДУМАРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

КУҲНА ШАҲАР МУЗЕЙИ

САМАРҚАНД. Яқинда Самарқанд — Тошкент магистрал йўли ёқасида янги икки қаватли бинога пойдевор қўйилди. 1608 квадрат метр фойдали майдонни эгаллайдиган бу бўлажак кўркам бинода шаҳар тарихий музейи ташкил этилади. Унинг катта ва кичик икки кўргазма залига турли ёдгорликлар билан бирга Афросиёб қазилмаларидан чиққан қимматли топилмалар ҳам қўйилади.

Музей лойиҳаси қардош Арманистоннинг «Ереванпроект» институти архитекторлари томонидан чизилган.

А. СОДИҚОВ.

ОНАЛАРИМИЗ УЧУН

ТОШКЕНТ. Оналар ва болалар соғлигини сақлаш республика илмий-тадқиқот институти учун комплекс бино қурилди. Олимпиада шаҳарчаси ёнида қад кўтарган бу биноларинг лойиҳасини «Узгостпроект» архитекторлари Д. Шуваев ва Ф. Цитиналар чизишган.

Саломатлик даргоҳида 150 ўринли туғруқхона, 125 ўринли болалар касалхонаси ва 400 беморга хизмат қиладиган поликлиника ишлайди.

Институт ва унинг бўлимларида тажрибали медик олим ва олималар «Бола организмининг нормал ва патологик тараққиёти», «Она ва чақалоқ соғлигини сақлашнинг илмий асослари» деган муҳим проблемалар устида илмий ишлар олиб боришмоқда.

И. АҲРОРОВ.

Фан ва техника янгиликлари

ИЛМИЙ ҲАМКОРЛИК

Меҳнат Қизил Байроқ орденли ўсимлик моддалари кимёси институти коллективи билан Тошкент кимё-фармацевтика заводи ўртасида азалдан ҳамкорлик ўрнатилган. Институт илмий ходимлари томонидан ишланиб, мамлакатимизнинг қатор клиникаларида синовдан ўтган шифобахш дорилар худди мана шу заводда тайёрланади. Бу дори-дармонларнинг шуҳрати ҳозир фақат мамлакатимизда эмас, чет элларда ҳам машҳур.

Институт олимлари ҳозир заводга ишлаб чиқиш учун янги дори-дармонларни тақдим этдилар. Бу дорилар СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги томонидан маъқулланган. Ана шу янги дорилар қаторига кирган эризимозид ва фрутицин — юрак касаллиги учун, цитизин эса нафас йўлларини даволаш учун қўлланиладиган. Институт ходимлари кейинги йилларда яратган 20 хил дори-дармон ҳозир медицина клиникаларида синовдан ўтказилянти.

ИЗОТОПЛАР ХОСИЯТИ

Махсус пўлатни, айниқса вольфрамли пўлатни эритишда унинг таркибида вольфрамнинг қанча процент эканлигини жуда тезлик билан аниқлаб чиқиш муҳимдир. Бундай маълумотни олиш учун жуда тез таҳлил қилиш методидан фойдаланиш зарур. Узбекистон Фанлар академияси Ядро физикаси институти илмий ходимлари бу муаммони ҳал этишда изотопларни «ёрдамга» чақирдилар. Олимлар яратган радиоизотоп қурилмаси ана шундай таҳлилни 8 минут давомида ишлаб чиқиш қобилиятига эга. Бу—илгаригги усулга қараганда 20 марта вақтни тежайди. Бундан ташқари янги усулда олинган анализларнинг сифати ҳам икки марта аниқроқ бўлиб чиқмоқда.

Институт яратган қурилма ҳозирнинг ўзида Челябинск ва Златоустово металлургия заводларида, шунингдек, Москва областидаги «Электросталь» заводи ва «Днепросталь»да ҳам муваффақият билан ишлатилмоқда. Натижада, эритилган ҳар бир тонна пўлат ҳисобига 2 килограммгача вольфрамни тежаб қолиш имконияти очилмоқда.

«СЕҲРЛИ ТОВУШ»

Охирги пайтларда ультратовуш ҳақида тез-тез гапириладиган бўлиб қолди. Ультратовуш ўсимликларнинг ўсишига, баъзи жониворларнинг йўлни аниқ белгилашига, жисмлар таркибидаги ҳодисаларни аниқлашга, ҳатто алангасиз таом пиширишга ҳам ёрдам беради.

Тошкентлик радио-инженер О. Соитовнинг аниқлашича, ультратовушдан сичқонларга қарши курашда ҳам фойдаланса бўлар экан. Бу ҳодисани у ўз лабораториясида ультратовуш генераторини ишлатиб, тажриба ўтказаётганда аниқлади.

УСТАХОНАДА

Устахонада иш авжида. Ҳамма ўз юмуши билан банд; биров тракторнинг моторини ремонт қилянти, яна биров деталлар тайёрлаянти, бошқалар эса юк машиналарига борт ўрнатяпти... Ремонтдан чиққан «ДТ-54А» тракторини қўздан кечираётган механизатор Худойберди Нарзуллаевнинг ёнига қорачадан келган, ўрта бўйли, 40 ёшлар чамасидаги бир киши келиб, мотордаги камчиликларни тушунтира бошлади.

Эртадан буён тракторлар ремонтини назорат қилиб юрган бу киши Нарпай районидаги «Қарноб» совхозининг механиги, коммунист Тошбой Аймановдир.

Тошбой аканинг механизаторлик касбига ҳаваси жуда эрта уйғонди. Еття йиллик мактабни тугатгач, тажрибали механизатор коммунист Абдураззоқ Хушановга шогирд тушди. Ордан кўп ўтмай мустақил меҳнат қила бошлади. Шогирдликдан устозликка кўтарилди. Мана, ҳозир участка механиги. У шу пайтгача ўнлаб ёшларга механизаторлик касбини ўргатди.

Ўз касбининг устаси, коммунист Тошбой ака Айматовни совхознинг барча трактор-механизаторлари ҳурмат қиладилар. У кўздан кечирган трактор узоқ вақт тўхтовсиз, нуқсонсиз ишлайди.

Шу кунларда совхозда техника ремонти ниҳоясига етай деб қолди. Ремонтчилар кунлик нормани муттасил 120-130 процентга етказиб адо этмоқдалар.

Б. МАҲМУДОВ,
Ў. ХОНТАЕВ.

СПОРТИМИЗ ЮЛДУЗЛАРИ

ШАҲРИСАБЗЛИК ПОЛВОН

Унинг ота-бобоси полвон ўтган. Шу боисдаими ёш Хушвақт ҳам суяги қотмасданоқ тенгқурлари билан беллашган, отаси ва акаларидан кураш сирларини ўрганган. Карл Маркс номли колхоз қишлоғида бу оилани полвонлар оиласи деб аташарди.

Хушвақт ўтган йилнинг 24 ноябрь куни Липецкда бўлган воқеани эсласа беихтиёр болалик чоғлари ёдига тушади. Ахир у шундай куни қанчалик умид, интизор бўлиб кутган эди-да!

Бу кунга етишгунча у қанчадан-қанча изланмади, меҳнат қилмади дейсиз. Галаба қозонган чоғларда қанчалик хурсанд бўлганини, енгилганида йиғлаб хуноб бўлганини тез-тез эслаб туради.

Ордан кўп ўтмай Х. Рўзиқулов кураш бўйича область чемпиони бўлди, йирик мусобақаларда иштирок эта бошлади. Совет Армияси сафида хизмат қилиб юрган кезларида самбога ишқи тушиб қолди. Кураш билан самбо бир-бирига яқин бўлганлиги туфайли кўп қийналмади, тезда ўз-ўзини қуролсиз ҳимоя қилиш спортининг нозик сирларини билиб олди. Аввалига ўзи хизмат қилган қисм, сўнгра округ чемпиони бўлди, биринчи разряд нормативларини бажара борди. 1964 йилда мастерликка кандидат бўлди. Ордан бир йил ҳам ўтмай Киев шаҳрида Куролли Кучлар чемпионатида муваффақиятли қатнашиб ўз вазнида ғолиб чиқди ва спорт мастери нормативини бажарди.

Иттифоқимиздаги энг кучли самбочилар, хизмат кўрсатган спорт мастерлари, халқаро классдаги мастерлар, кўнгилли жамият Марказий Совет чемпионлари у билан гиламга чиқишадиган бўлса, ҳайиқадиган бўлиб қолишди.

Хушвақт ўз вазнида 1966 йилдан бери Ўзбекистон чемпиони унвонини ҳеч кимга бермай келмоқда. У «Динамо» жамияти Марказий Совети ғолиби бўлган, уч карра мамлакат Ички ишлар министрлиги биринчилигида ғалаба қозониб келянти, СССР шахсий биринчилиги финалида иштирок этгач, Шаҳрисабзлик полвон мамлакатнинг энг кучли самбочилари курашида икки марта 5-ўринни эгаллаган эди. Унинг орзуси ўз вазнида ғолиб келиш эди.

Ниҳоят, ўтган йили СССР чемпиони бўлиб олтин медаль билан тақдирланди. Липецкда ўтказилган чемпионатда у барча рақибларини енгди. Бу ғалаба унга халқаро классдаги спорт мастери унвонини келтирди. Чирчиқ шаҳрида ўтказилган зоналараро биринчиликда халқаро классдаги спорт мастери, Европа чемпиони В. Бондаренко ҳам финалга йўлланмасиз қолишига Хушвақт сабабчи бўлди.

Бугун шаҳрисабзлик полвон Хушвақтнинг номи спорт мухлисларига яхши таниш. У республикамиз спорти шарафини йирик-йирик мусобақаларда ҳимоя қилмоқда. Мамлакат терма командаси составида муваффақиятли қатнашянти. Халқаро турнирларда иштирок этиб, Монголия, Голландия, Япония, Югославия ва бошқа мамлакатларнинг кучли спортчиларини енгган.

Республика спорт журналистлари Хушвақт Рўзиқулов ни бир овоздан ўтган йилнинг энг яхши спортчиси деб тан олишди. 1967 йилда ана шундай шарафга сазовор бўлган СССР Халқлари IV спартакиадаси олтин совриндори Эркин Каримов бу сафар иккинчи ўринда қолди. Хушвақт ўтган йили энг яхши деб топилган республикамизнинг энг кучли ўнта спортчиси рўйхатининг энг бошида турибди.

Х. Рўзиқулов айни кучга тўлган чоғи, уни самбочиларнинг мусобақаларида кўриб маҳоратига қойил қоласан, киши,

—Дзю-до спортини ҳам севиб қолдим,— дейди СССР чемпиони Х. Рўзиқулов. — бу спорт тури бўйича ҳам мусобақаларда қатнашиш ниятидаман.

Ниятинг рўёбга чиқаверсин, Хушвақт!

Ш. УМРЗОҚОВ.

ХАБАРЛАР, ВОҚЕАЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

ПЛАНЕТАМИЗДА

ПОЛИЦИЯ ҲИМОЯСИ ОСТИДА

БОННН, 13 март. (ТАСС). «Ғарбий Германия полицияси фашистларни ҳимоя қилмоқда», — деб ёзади «Ди Тат» газетаси. Гессен ўлкаси маъмурларининг фармойишига биноан полиция отряднари Дорнигхеймда (Гессен) Грециядаги хунта режими тарафдорлари томонидан уюштирилган йиғин қатнашчиларини қўриқлаб турдилар.

Газета полициячилар қора полковниклар режими тарафдорлари учрашадиган бино атрофига барвақт тўпланганлигини қайд қилади.

Полициячилар йиғинга қарши норозилик билдирган ғарбий герман ва грек антифашистларига ҳужум қилиб, таёқларни ишга солдилар.

Германия Федератив Республикасидаги Марказ Иттифоқи грек партияси муҳожирлар ташкилоти секретарининг ўринбосари Андрес Христинидис билан демократия ва қуролсизланиш учун курашувчи ғарбий герман ташкилотининг секретари Клаус Фак Гессен ички ишлар министри Шнейдерга телеграмма юбордилар. Улар бу телеграммада маъмурларнинг Афинадаги террор режими тарафдорларини ҳимоя қилаётганликларига қарши норозилик билдирадилар. Улар ана шу режим тарафдорларининг Ғарбий Германияда демократияга қарши қилаётган ишларига чек қўйилсин, деб талаб қиладилар.



Бирлашган Араб Республикаси. Бу ерда қўриқ ерларни ўзлаштириш кенг кўламда олиб борилмоқда. Суратда: Ғаҳрир округининг ишлоқ хўжалик фермасида совет мутахассислари ёрдамида қурилган сув тақсимлагич.

И. Беляцкий фотоси. АПН.

ХОИНОНА ҲАРАКАТЛАР

Турли мамлакатлардаги жамоатчилик вакиллари Хитой маъмурларининг Совет—Хитой чегарасидаги қуролли ғиғвогарлигидан даргазаб бўлганлиги изҳор қилинган материаллар чет эл матбуоти саҳифаларида босиб чиқарилмоқда. Жаҳон жамоатчилиги Пекин раҳбарларининг фармойишига мувофиқ босқинчиларча қилинган ҳужум Пекин раҳбарларининг жаҳон социализми кучларига хиёнат қилиш, халқаро коммунистик ҳаракатга ва бутун антиимпериалистик ҳаракатга путур етказиш йўлида яна бир қадам қўйганлигини исбот қилади, деб ҳисоблади.

СОФИЯ. Болгариянинг пойтахтида ва бутун мамлакатда Хитой маъмурларининг Уссури дарёсидаги Совет ороли Даманский районида қилган қабиҳ ғиғвогарлигига қарши норозилик юзасидан кўп кишилик митинглар бўлиб ўтди. Болгария телеграф агентлиги хабар беради: София университети студентлари, ўқитувчилари ва ходимларининг митингида профессор Михаил Мичев нутқ сўзлади. Ваҳшиёна қилинган қуролли ҳужум,— деди у,— марксизм-ленинизм ва пролетар интернационализми билан алоқани узган, қутуриб кетган Пекин раҳбарларининг ишидир. Кремиков металлургия комбинатининг ишчилари Совет Иттифоқи билан тамомила бирдам эканликларини изҳор қилдилар. Митингда қабул қилинган резолюцияда таъкидлаб ўтилганидек, Совет Иттифоқи инсонят эришган социалистик ғалабаларнинг ҳимоячиси ва таянчидир.

УЛАН-БАТОР. «Монголия янгиликлари» газетаси редакцияси мамлакатнинг турли районларидаги меҳнаткашлардан олган хатларни «Монголия Халқ Республикасининг меҳнаткашлари маочиларнинг қабиҳ ҳаракатларига лаънат ўқимоқдалар» деган сарлавҳа остида босиб чиқарди. Ҳунармандчилик кооперацияси артелининг тикувчиси, Буюк Халқ Хурали депутати Ш. Бадам қўйидагиларни ёзади: «Пекин раҳбарлари Хитой халқини алдашга, унинг эътиборини мамлакат ичкарисидаги воқеалардан четга тортишга уринмоқда. Ғиғвогарлик мақсадида Совет кишиларига қарши қуролли ҳужум уюштирдилар. Биз. Монголиянинг меҳнаткаш хотин-қизлари маочиларнинг Совет иттифоқи социалистик мамлакатларга, жаҳондаги коммунистик ва миллий озодлик ҳаракатига қарши, бутун дунёдаги барча прогрессив кучларга қарши қўпорувчилик ишларида ҳаддидан ошиб кетганлигини исбот қилади». Мақолада таъкидлаб ўтилганидек, кейинги йилларда рўй берган воқеалар Пекин раҳбарларининг Совет Иттифоқига қарши душманлик кампаниясини авж олдириши билан бир вақтда империалистик кучларнинг бошқа социалистик мамлакатларга қарши ва халқларнинг озодлик курашига қарши ҳаракати ҳам кучайиб борганлигини исбот қилади. «Мао Тўдаси Советларга қарши ғиғвогарликдан иборат васвасани авж олдириш билан, — деб ёзади газета.— Пекиндаги ҳозирги ҳукмдорларнинг жиддий хатолари натижасида рўй берган катта ички иқтисодий қийинчиликлардан Хитой халқининг эътиборини четга тортишга уринмоқда». (ТАСС).

ВЕТЛАРГА қарши ўтказаётган йўли ва буюк давлат шовинизми қандай макрли ва ашаддий мақсадларни кўзда тутганлигини яхши биламиз. Биз уларнинг ғиғвосини қаҳр ғазаб билан қоралаймиз».

МЕХИКО. «ДИА» газетаси Мексиканинг машҳур журналисти Сальвадор Кармон Аморосниг мақоласини босиб чиқарди. Мақолада бундай дейилади: Хитой маъмурларининг Совет мамлакатига қарши қилган қуролли ғиғвогарлиги Пекин раҳбарларининг кўп вақтлардан бўён ўтказиб келаётган антикоммунистик йўлини ва империализмга тарафдорлик йўлини тамомила фош қилиб ташлади. Совет Иттифоқи. деб ёзади обзорчи, ишчилар синфининг, барча меҳнаткашларнинг тарафдоридир, яхши ҳаёт учун курашаётган кишиларнинг тарафдоридир. Бутун дунё халқлари Совет Иттифоқини қўллаб-қувватламоқдалар.

САНТЬЯГО. Чили Компартиясининг газетаси «Сигло» қўйидагиларни ёзади: Пекин маъмурларининг Совет—Хитой чегарасидаги қонли ғиғвогарлиги социализм ишига зид бўлиб, империализм манфаатларига хизмат қилади. Бу ғиғвогарлик, деб таъкидлайди «Сигло» газетаси, халқаро антиимпериалистик фронтга янги зарба беришга қаратилган. Газета мақоланинг охирида қўйидагиларни уқтириб ўтади: «Пекин раҳбарларининг бутун жаҳон халқларига қарши қаратилган янги жиноятини эсдан чиқариш мумкин эмас».

БАЙРУТ. Ливанда чиқадиган «Ал-нидо» газетасининг редакцион мақоласида бундай дейилади: «Хитой маъмурлари томонидан Совет Иттифоқи чегарасида уюштирилган қабиҳ қуролли ғиғвогарлик Мао Цзэ-дун тўдаси социалистик мамлакатларга, жаҳондаги коммунистик ва миллий озодлик ҳаракатига қарши, бутун дунёдаги барча прогрессив кучларга қарши қўпорувчилик ишларида ҳаддидан ошиб кетганлигини исбот қилади».

МХРГА НИСБАТАН ҒИҒВОГАРЛИК

УЛАН-БАТОР, 12 март. (ТАСС). Монцамэ агентлиги хабар беради: Хитой маъмурлари МХР темир йўл хизмати ходимларини қонунга хилоф равишда ушлаб қолганликлари муносабати билан бугун Монголия Халқ Республикаси ташқи ишлар министрлиги Хитойга қатъий норозилик билдирди.

МХР ташқи ишлар министрлигининг ахборотида айтилдики, монгол темир йўлчилари Эрлянь чегара станциясидан қайтаётган чоғларида Хитой чегара пунктида 11 март соат 19 дан 35 минут ўтгандан бошлаб 12 март соат 3 дан 15 минут ўтганга қадар ушлаб турилган. Улар Эрлянга хизмат ишлари билан келган эдилар. Бу ҳаракат, деб таъкидланади баёнотда, Монголия билан Хитой ўртасидаги тегишли битимларни бузиш ва душманлик кампаниясини авж олдириш билан бир вақтда империалистик кучларнинг бошқа социалистик мамлакатларга қарши ва халқларнинг озодлик курашига қарши ҳаракати ҳам кучайиб борганлигини исбот қилади. «Мао тўдаси Советларга қарши ғиғвогарликдан иборат васвасани авж олдириш билан, — деб ёзади газета.— Пекиндаги ҳозирги ҳукмдорларнинг жиддий хатолари натижасида рўй берган катта ички иқтисодий қийинчиликлардан Хитой халқининг эътиборини четга тортишга уринмоқда». (ТАСС).

АМЕРИКАНИНГ «АПОЛЛОН-9» КОСМИК КЕМАСИ ПАРВОЗНИ ТУГАЛЛАДИ

НЬЮ-ЙОРК, 14 март. (ТАСС). Ичида космонавтлар Жеймс Макдиванг, Дэвид Скотт ва Рассел Швейкарт тушган «Аполлон-9» космик кемаси кеча Москва вақти билан соат 20 да Атлантик океанинг шимолий қисмида Багама оролдари районида сувга қўнди.

«Аполлон» программаси раҳбарларининг айтишига қараганда, «Аполлон-9» кемасининг учиш муваффақиятли бўлиб чиққан, учишдан кузатилган асосий вазифаларнинг ҳаммаси бажарилди.

ИШСИЗЛИК — ИНГЛИЗ КОНЧИЛАРИНИНГ ОФАТИ

ЛОНДОН, 12 март. (ТАСС). Ўтган йили Англияда ҳар беш кунда битта кўмир шахтаси ёпилиб турди. Бунинг натижасида 57 мингдан ортиқ кончи ишсиз қолди. Англия кўмир саноати миллий бошқармасининг раиси Лорд Робенс Лондонда сўзлаган нутқида мана шу маълумотларни келтирди.

Ҳукумат, деди Лорд Робенс, мамлакатнинг монополизация қилинган кўмир саноатини йиғиштиришга қаратилган сиёсат тутаётганлиги, шундай аҳволнинг келиб чиқишига асосий сабабчидир. У ҳукуматнинг ёқилғи қазиб чиқиш соҳасидаги сиёсатини қайта кўриб чиқувчи махсус комиссия тузилишига даъват этди.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

ЗАНГОРИ ЭКРАНДА

Ўзбекистон телестудиясининг ҳафталик программаси

17 МАРТ
ДУШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

17.55 — **Кўрсатишлар программаси,** 18.00 — **Болалар учун ўзбек тилида кинофильм.**

Рус тилида: 18.15 — **Теленгиликлар.** 18.30 — **«Туркистонлик жангчилар».** 18.45 — **Узбекистон халқ санъати «Самарқанд каштачилари».** 19.05 — **«Гаврош»** (бадиий фильм).

Ўзбек тилида: 20.20 — **Теленгиликлар.** 20.40 — **Эстрада шинавандалари учун концерт.** 21.20 — **Ғалаба қорларнинг янги марралари.** 21.40 — **Телетеатр. Ф. Жонсон «Гирдоб».**

ИККИНЧИ ПРОГРАММА
ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ
УЧИНЧИ ПРОГРАММА
ДУШАНБА КУРСАТАДИ

18 МАРТ
СЕШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

17.55 — **Кўрсатишлар программаси.**

Рус тилида: 18.00 — **Болалар учун қўғирчоқ фильм.** 18.30 — **Теленгиликлар.** 19.05 — **Экскаваторчилар ленинча меҳнат вахтасида.**

Ўзбек тилида: 19.25 — **Ун минут музика.** 19.35 — **Теленгиликлар.** 19.55 — **«Фан» телепрограммаси.** 21.45 — **«Бодом ҳиди»** (бадиий фильм).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА
ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ
УЧИНЧИ ПРОГРАММА
ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

Рус тилида: 20.00 — **Болалар учун қўғирчоқ фильм.** 20.35 — **«Моцарт ва Сальери»** (телефильм). 21.20 — **Узбек тилида «Кулаётган киши»** (телефильм).

19 МАРТ
ЧОРШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

17.55 — **Кўрсатишлар программаси,** 18.00 — **Рус тилида теленгиликлар.**

Ўзбек тилида: 18.10 — **Болалар учун «Қувноқ минутлар».** 18.40 — **Ленин кутубхонаси.** 18.55 — **Ўйларимиз—қўйларимиз.** 19.40 — **Теленгиликлар.** 19.55 — **Кўрсатишлар программаси.** 20.00 — **Москва кўрсатишлари.**

ИККИНЧИ ПРОГРАММА
ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

17.55 — **Кўрсатишлар программаси.**

Рус тилида: 18.00 — **Болалар учун музикали минутлар.** 18.30 — **Кинофильм.** 18.40 — **«Ешлик» студияси кўрсатади.** 19.20 — **Музикали кўрсатиш.**

Ўзбек тилида: 20.00 — **Боғроглар кўпайсин.** 20.20 — **Область театрлари артистлари ижросида концерт.** 21.00 — **«Турмуш ва маданият»** телепрограммаси. 21.30 — **«Инсон ҳаёт экан»,** (бадиий фильм).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА
ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

Рус тилида: 20.00 — **Ҳужжатли фильм.** 20.20 — **«Характерли қиз»** (бадиий фильм). 21.45 — **Енгилмас Африка.** 22.05 — **Концерт.**

20 МАРТ
ПАЙШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

17.55 — **Кўрсатишлар программаси.**

Рус тилида: 18.00 — **«Қувноқ дельфин»** (кинофильм). 18.10 — **Теленгиликлар.** 18.25 — **Узбекистон шифохоналари.**

Ўзбек тилида: 18.55 — **Ун минут музика.** 19.05 — **Узбекистон оғир индустрияси ва машинасозларининг истиқболлари.** 19.25 — **Киноленинниана «Узоқ йиллар ошса».** 20.00 — **«Улуғбек юлдузи»** (бадиий фильм, рус тилида). 21.35 — **Теленгиликлар.** 21.50 — **Актёр Тургун Азизовнинг ижодий портрети.** 22.30 — **Москва кўрсатади.**

ИККИНЧИ ПРОГРАММА
ДУШАНБА КУРСАТАДИ
УЧИНЧИ ПРОГРАММА
ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 20.00 — **«Гулсара»** операси А. Навоий номидаги опера ва балет Академик Катта театридан олиб кўрсатилади.

21 МАРТ
ЖУМА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

17.55 — **Кўрсатишлар программаси.**

Рус тилида: 18.00 — **Юқори синф ўқувчилари учун эшитириш.** 18.40 — **Теленгиликлар.**

18.55 — **Анатолий Коралев куйлайди.**

Ўзбек тилида: 19.15 — **Теленгиликлар.** 19.30 — **Наврўз лирикаси.** 21.00 — **Москва кўрсатади.**

ИККИНЧИ ПРОГРАММА
ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 21.00 — **Экиш агрегатлари мавсумга шай бўлсин.** 21.20 — **«Ҳайкалтарош Меркуров»** (илмий оммабоп фильм) 21.40 — **«Икки ҳаёт»** (бадиий фильмнинг биринчи серияси).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА
ОЛМАОТА ВА ФРУНЗЕ ТЕЛЕСТУДИЯЛАРИНИНГ КУРСАТИШЛАРИ.

22 МАРТ
ШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

9.55 — **Кўрсатишлар программаси.**

Ўзбек тилида: 10.00 — **Ёшлик томошалари.** 10.35 — **«Мафтунингман»** (бадиий фильм) 12.00 — **Москва кўрсатишлари.** 18.55 — **Тошкент кўрсатади. Кўрсатишлар программаси.** 17.00 — **Рус тилида теленгиликлар.**

Ўзбек тилида: 17.10 — **«Ешлик» студияси кўрсатади.** 17.50 — **Теленгиликлар.** 18.00 — **«Аёллар»** (бадиий фильм).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА
ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 19.30 — **Болалар учун кинофильм.** 19.50 — **Альманахнинг бешинчи сони.** 20.00 — **Ўзбек куйларидан концерт.** 20.50 — **«Икки ҳаёт»** (бадиий фильмнинг иккинчи серияси).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА
ДУШАНБА КУРСАТАДИ

23 МАРТ
ЯКШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

9.55 — **Кўрсатишлар программаси.**

Рус тилида: 10.00 — **Усмирлар учун «Ўйлаб топ».** 10.30 — **Фильм-концерт.** 10.50 — **«Садко»** (бадиий фильм). 12.55 — **Чорвадорлар учун** қозоқ тилида эшитириш. 13.40 — **«Буни ҳамма билиши керак»** (рус тилида). 19.15 — **«ЎТКИР ЗЕҲНЛИЛАР МУШОИРАСИ»** (ўзбек тилида).

Рус тилида: 20.40 — **«Ахборот» информацион программаси.** 21.10 — **«Маобид дафтари»** (бадиий фильм).

Ўзбек тилида: 22.40 — **«Ахборот» информацион программаси.** 23.10 — **«Ешлик» студияси кўрсатади.** 24.00 — **Ўзбек куйларидан концерт.**

ИККИНЧИ ПРОГРАММА
ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

17.00 — **«Папиросниг зарари»** (илмий-оммабоп фильм, рус тилида). 17.10 — **«Визиавро ёзи»** (телефильмнинг биринчи ва иккинчи сериялари, ўзбек тилида).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА
ФРУНЗЕ КУРСАТАДИ

ҲАР ТЎҒРИДА

ЧОЙХЎР... МАМЛАКАТ

ИРЛАНДИЯ аҳолиси чойхўрлиги ўринни эгаллайди. Ирландиялик ҳар бир киши йил давомида ўртача 5 килограмм чой ичади. Бу соҳада улар ашаддий чойхўр инглизлардан ҳам ошиб кетишди.

ҒОРДА... ШАҲАР

КАДИКЕЗ шаҳридаги лўлилар истиқомат қиладиган Сантьяго квартали дунёдаги аҳоли яшайдиган энг ёирик ғор ҳисобланади. У ерда қариб 10 минг аҳоли бор. Фақат уй-жойларгина эмас, дўконлар, мактаб ва черковлар ҳам ер остида жойлашган. Қурилиш материаллари етишмаганлиги сабабли кишилар тепалик жойларни кавлаб, ўзларига кулба қилиб олишади. Бу кулбаларда ёзда салқин, кишда иссиқ бўлади. Шундай қилиб лўлилар уй-жой ҳақи тўлашдан ҳам озод бўлиб олишган.

ТУТИНГАН ФАРЗАНДЛАР

ОКЕАНИЯ, Африка ҳамда Шимолий Америкадаги жуда кўп қабилаларда ва элатларда бировларнинг фарзандларини ўзларига фарзанд қилиб олиш одати бор. Тутинган фарзандни оилада ўз фарзандларидан ҳам кўпроқ ҳурмат қилишади. Мерос бўйинчаётган пайтда ҳам мол-мулкнинг кўп қисми тутинган фарзандга тегади. Боланинг ота-оналари агар уни бешиқ бирор келиб ўзига фарзанд қилиб олмоқчи бўлса рад этиш ҳуқуқига эга эмас.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

РАДИО БУГУН

ЭРТАГА САЙЛОВ
БИРИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 — Концерт. 9.30 — Куйлар. 10.10 — «Гулшан» радиожурнали. 11.15 — Лирик куйлар (русча). 11.35 — Ўзбек кинофильмларидан куйлар. 12.15 — Концерт (сайловчиларнинг талабига мувофиқ). 13.30 — Қўшиқлар. 15.10 — «Правда» газетасининг обзори. 15.20 — «Саҳатсаломатлик» радиожурнали. 15.45 — «Эртага сайлов» (русча). 16.10 — Эстрада концерти. 17.20 — Уйғур куйлари. 17.50 — Сайлов участкаларида. 18.00 — Концерт. 18.40 — Спорт. 19.20 — Ленин ҳақида қўшиқлар. 20.00 — «Ленинома» программаси. 20.30 — Кечки концерт. 21.00 — «Қардош коммунистик партиялар ҳаётидан». 21.10 — «Қишлоқ радиоклуби». 22.10 — Рақсга марҳамат. 23.10 — Концерт.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

9.55 — **Кўрсатишлар программаси.**

Ўзбек тилида: 10.00 — **«Ешлик» студияси кўрсатади. «Улар биринчи марта овоз бердилар».** 10.40 — **«Константин Заслонов»** (бадиий фильм, рус тилида). 15.00 — **Москва кўрсатади.**

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

17.15 — **Кўрсатишлар программаси.**

Рус тилида: 17.20 — **Теленгиликлар.** 17.30 — **Болалар учун мультфильм.**

Ўзбек тилида: 17.40 — **«Ешлик» студияси кўрсатади. «Истиқбол эгалари»** (тележурнал). 18.30 — **Теленгиликлар.** 18.45 — **Бадиий ҳаваскорлар концерти.** 23.00 — **Москва кўрсатади.**

ИККИНЧИ ПРОГРАММА
ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

17.55 — **Кўрсатишлар программаси.**

Рус тилида: 18.00 — **Болалар учун қўғирчоқ фильм.** 18.20 — **«Кутузов»** (бадиий фильм).

Ўзбек тилида: 20.00 — **Ҳужжатли фильм.** 20.10 — **Ялта ва ранглар.** 20.50 — **«Зиёбахш».** 21.10 — **«Бир йилнинг тўқиз куни»** (бадиий фильм).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА
ДУШАНБА КУРСАТАДИ

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРДА — 16/III да **Марварид қидирувчилар.**

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 16/III да **Алишер Навоий,** 16/III да **Алишер Навоий** (кундузи), **Мудҳиш айб**нома (кечкуруғ).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 15/III да **Икки билагузук,** 16/III **Фарғона тонг отгунча.**

КИНО

Кашмирдаги севги (1-2 серия лар) — **«ЧАЙКА», «ЎЗБЕКИСТОН», НАВОИЙ** номли, **«ВОСТОК», «ДРУЖБА», «МОСКВА»** (кундуз ва кечкуруғ), **САНЪАТ САРОЙИ** (эрталаб соат 11 ярим ва кеч 7 да).

Ака-ука Карамазовлар, — САНЪАТ САРОЙИ (1-2 серия лар кундуз соат 2 яримда, 3-серия кундуз 5 ярим ва кеч 9.45 минутда).

«Олтин мазбуда» учун кураш — **«ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ»** (кундуз ва кечкуруғ).

Ниқобли иқвачи (эрталаб соат 11.45, кундуз 1.30 ва 3.15 минутда). **Олтин бузоқча** (кундуз соат 5 ва кеч 9 да) — **«ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ».**

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА
17 МАРТДА
АБОНЕМЕНТ № 5
(Шаҳар студентлари учун)
В. И. ЛЕНИН ТУҒИЛГАН КУННИНГ 100 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Адабий-музикали композиция

«ОЛТИН САҲИФАЛАР»

Бадиий сўз устаси, Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист
МУХСИН ҲАМИДОВ ижро этади.

Концерт кеч соат 8 да бошланади.

Абонементлардан ташқари билетлар концерт зали кассасида кундуз соат 2 дан, район кассаларида соат 12 дан сотилади.

ҚУЙБИШЕВ РАЙОН ХАЛҚ МАОРИФИ БЎЛИМИГА
бош бухгалтер, ҳисобот-материал бўлимига бухгалтер

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Ульяновск кўчаси, 9-уй. Телефонлар В-3-09-24, В-3-09-26.

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ДРАМА ВА КОМЕДИЯ ТЕАТРИНИНГ
Мактаб ўқувчилари қишкулги даврида кундузи намойиш қиладиган спектакларнинг

РЕПЕРТУАР ПЛАНИ

26/III — **Навоий Астрободда,**
27/III — **Фарғона тонг отгунча,**
28/III — **Гавҳари шамчироғ,**
29/III — **Фарғона тонг отгунча,**
30/III — **Жон қизлар.**

Спектакллар кундуз соат 12 да бошланади.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ
қўшимча

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

профессор — ўқитувчи вакант вазифаларига

кафедра бўйича доцентлар: хор дирижёрлиги (2 ўрин), **опера тайёргарлиги — дирижёрлари;**

кафедралар бўйича катта ўқитувчилар: якка ашула, хор дирижёрлиги (2 ўрин);

кафедра бўйича ўқитувчилар: хор дирижёрлиги.

Конкурс муддати — 5 апрелгача.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Пушкин кўчаси, 31 уй.

ЎЗБЕКИСТОН САНИТАРИЯ, ГИГИЕНА ВА КАСБ КАСАЛЛИКЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

АСПИРАНТУРАГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

гигиена ва касб касаллиги бўйича қатнаб ўқишга (2 ўрин), **сиртқи** (1 ўрин); **клиник ординатурага — профпатология** (2 ўрин).

Ҳужжатлар 15 апрелгача қуйидаги адресга юборилсин: Тошкент шаҳар, 56, Циолковский кўчаси, 325-уй.

ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ ИНЖЕНЕРЛАРИ ИНСТИТУТИ
1969 йил учун қуйидаги мутахассисликлар бўйича

АСПИРАНТУРАГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:

ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда: алгебра ва сонлар назарияси, материаллар қаршилиги ва қурилиш механикаси, ҳаракатдаги состав ва поездларнинг тортилиши;

ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда: амалий геометрия ва инженерлик графикаси, вагон қурилиши ва вагон хўжалиги, иқтисод, темир йўл транспортини планлаштириш ва ташкил қилиш, молия, пул муомаласи ва кредит.

Аризалар 2 майгача қабул қилинади.

Имтиҳонлар 15 майдан бошланади.

Қабул қилиш шартларги барча олий ўқув юртлари учун умумийдир.

Ариза ва ҳужжатлар Тошкент-45, Оборонай кўчаси 1-уйга топширилсин.

Узбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги
ЎЛКА МЕДИЦИНА ИЛМИЙ ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТИ
1969 ЙИЛГА
қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

КУНДУЗГИ АСПИРАНТУРАГА: эндокринология ва патологик физиология;

КЛИНИК ОРДИНАТУРАГА: эндокринология — (2 ўрин), **ички касаллик** (гастроэнтерология) — 2 ўрин.

Ҳужжатларни топшириш муддати — эълон чиқандан сўнг 1 ой.

Ҳужжатлар: Тошкент-39, Новгородский кўчаси, 28-уйга юборилсин.

Узбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети аппаратининг партия ташкилоти ва маҳаллий комитети аппаратининг масъул ходими Б. Д. Жуманиёзовга онаси

Овезжон ЖУМАНИЁЗОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Қурилиш материаллари саноати министрлиги қурилиш материаллари саноатининг собиқ ишчиси

Рустамбек ҒОЗИНАЗАРОВнинг

вафот этганлигини билдириб марҳумнинг оиласига чуқур таъзия изҳор қилади.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ
Орган центрального Комитета Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Бизнинг адрес ва телефонлар: ТОШКЕНТ, «ПРАВДА ВОСТОКА» кўчаси № 26. Редактор — В36545. Редактор ўринбосарлари — В37914, В39323. Масъул секретарь — В34455. Масъул секретарь ўринбосарлари — В37283. Партия турмуши — В33469. Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш — В31216. Халқаро ҳаёт — В37604. Коммунистик тарбия — В31455. Саноат капитал қурилиш ва транспорт — В34780. Совет қурилиши — В33258. Қишлоқ хўжалиги — В37604. Адабиёт ва санъат — В32036, В37221. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — В34451. Маҳаллий ахборот ва спорт — В32347. Оммавий ишлар ва хатлар — В33879, В33553. Иллюстрация — В34524. Стенографистка — В37343. Корректура — В37162. Эълонлар — В38142. Коммутатор — В30249, В30250, В30251, В30252, В30253, В30254, В30255, В30256, В30257, В30258. ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ: Андижон — 46—85. Бухоро 31—41. Қарши 23—62. Наманган 21—68. Нукус 42—62. Самарқанд 31—072. Термиз 23—27. Фарғона 41—88. Урганч 34—55.

№ Б. — 63. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64633. Р. 04201.